**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**“Гидромелиорация” факультети**

***“Экология ва сув ресурсларини бошқариш”* кафедраси**

Химояга рухсат этилсин
«Экология ва СРБ» кафедраси
мудири проф. Салохиддинов А.Т.
______________________________
«_____» __________ 2011 йил.

Бакалавр даражасини олиш учун

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**

**Мавзу**: ***АМУ-КАШКАДАРЁ ИТХБ ОКСУ ИТБСИДА СУВ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ***

**Бажарувчи:** **Амирқулов Икром**

**Битирув иши рахбари:** **Мурадов Рустам Анварович**

**ТОШКЕНТ - 2013**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

«ТАСДИКЛАЙМАН»
«Экология ва СРБ» кафедраси
мудири А.Салохиддинов___________
«_____» ____________ 2013 йил.

## МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БУЙИЧА ТОПШИРИК

Талаба __________ *Амирқулов Икром*________________________________________

1. Битирув ишининг мавзу: _____ *Аму-Кашкадарё ирригация тизим хавза бошқармаси Оксу ирригация тизим бошқармасида сув ресурслардан фойдаланишни такомиллаштириш*___________________________________________

Институт ректорининг «___3_____» _____*12*____2012 йил № *645* буйруғи билан тасдикланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати ______________*«30» май 2011й*________________

3. Битирув ишини бажаришга доир бошлангич маълумотлар ________________________ *ЎзРниБошгидрометеорология Қўмитасининг иқлим маълумотлари, Ўз Р Қ ва СХВнинг маълумотлар, «Навоий» кутубхонасининг материаллари, Аму-Кашкадарё ИХТБ Оксу ИТБнинг гидрогеологик экспедициясининг ва бошқа ташкилотларнинг материаллари.*

4. Хисоблаш – тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чикиладиган масалалар руйхати) *Кириш, ИХТБ Оксу ИТБнинг табиий шароити ва иқтисодиётини тавсифи, Оксу ирригация тизим бошқармасининг сув ресурслари, Оксу ИТБнинг икки хисоблаш даврларида сув истеъмол қилиш ва оқова сув чиқариш хажмлари ва режимлари, Оксу ИТБда келажакда амалга оширилиши зарур бўлган сув хўжалик ва сувни мухофаза қилиш тадбирларининг рўйхати, иқтисодий хисоблар, Оксу ИТБнинг коммунал-маиший рўзгор хўжалик оқова сувларини тозалаш даражасини аниқлаш ҳамда тозалаш иншоотлари мажмуйини асослаш, хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати.*

5. Чизма ишлар руйхати (чизмалар номи аник курсатилади) _______________________ *Оксу ИТБнинг бош плани, Оксу ИТБнинг тупроқ харитаси, Сувни мухофаза қилиш тадбирлари ва иқтисодий қисм.*

6. Битирув иши буйича маслахатчилар

| № | Булим мавзуси | Маслахатчи укитувчилар ф.и.ш. | Имзо, сана | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Топшириш берилди | Топширик бажарилди |
| 1. | Асосий қисми | *доц. Мурадов Р.А.* | *2012 й 25декабр* | |
| 2. | Иқтисодий қисми | *доц. Мурадов Р.А.* | *2013 й 25 май* | |
| 3. | Ҳаёт-фаолияти хавфсизлиги | *З.Мирхосилова* | *2011й 30 май* | |

7. Топширик берилган вакт «*25*» _______*декабрь*_____2012 йил.

Битирувчи иши рахбари _*доц. Р.А. Мурадов*____ _______________
(Ф.И.Ш.) (имзо)

Топширикни бажаришга олдим _*И.Амиркулов*___ . _________________
(Ф.И.Ш.) (имзо)

**Битирув ишини бажариш режаси**

| № | Малакавий битириш ишининг бўлимлари | Бўлимларни бажариш вақти | Изох |
|---|---|---|---|
| 1 | *Архивлардан, кутубхоналардан, турли ташкилотлардан малакавий битириш ишини тайёрлаш учун зарур маълумотларни тўплаш, уларни тахлил қилиш ҳамда МБИни кириш қисмини тайёрлаш* | *2013 й. январ ойи* | |
| 2 | *МБИни 1 бобини Аму-Кашкадарё ирригация тизим хавза бошқармаси Оксу ирригация тизим бошқармаси табиий шароити ва иқтисодиётини тавсифи»ни тайёрлаш* | *2013 й. феврал ойи* | |
| 3 | *МБИни 2 бобини Аму-Кашкадарё ирригация тизим хавза бошқармаси Оксу ирригация тизим бошқармасини сув ресурсларини тавсифи»* | *2013 й. март ойи* | |
| 4 | *МБИни 3 бобини Аму-Кашкадарё ирригация тизим хавза бошқармаси Оксу ирригация тизим бошқармасидаги сув истеъмолчиларни икки хисолаш даврларида сув истеъмол қилиш ва оқова сув чиқариш хажмлари ҳамда режимларини хисоблаш.* | *2013 й. апрел ойи* | |
| 5 | *МБИни 4 ва 5 бобларини Аму-Кашкадарё ирригация тизим хавза бошқармаси Оксу ирригация тизим бошқармасида келажак да амалга оширилиши зарур бўлган сув хўжалик ва сувни мухофаза қилиш тадбирларини таркибини асослаш; иқтисодий хисобларни бажариш ҳамда шахарлари коммунал-маиший рўзгор хўжалик оқова сувларини тозалаш даражасини аниқлаш ҳамда тозалаш иншоотлари мажмуйини асослаш* | *2013 й. май ойи* | |
| 6 | *МБИни хулосасини ва тавсияларин ёзиш ҳамда уни химоя қилиш учун тайёрлаш* | *2013 й. 6 июн ойи* | |
| 7 | *МБИни химолаш.* | *2013 й. 6-10 июн* | |

Битирувчи иши рахбари _*доц. Р.А. Мурадов*____ _______________
(Ф.И.Ш.) (имзо)

Топширикни бажаришга олдим _*И.Амиркулов*___ . _______________
(Ф.И.Ш.) (имзо)

## Мундарижа

**КИРИШ** ........ **6**

**I-боб. ТАБИИЙ ШАРОИТИ** ........ **8**

1.1 Иқлим шароити ........ 8

1.2 Тупрок ва геологик шароитлари ........ 11

1.3 Гидрология ва гидрогеология шароити ........ 13

1.4 Вилоятнинг тупроқ-мелиоратив ҳолати. ........ 18

1.5 Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ........ 20

1.6 Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари. ........ 22

1.6.1 Ирригация ва коллектор-дренаж тармоклари техник холати. ........ 25

1.6.2 Қишлок хужалиги майдонларида сувдан фойдаланиш ........ 27

1.7 Иқтисодиёти. ........ 30

1.8 Аҳолиси ........ 32

**II–боб. ОҚ-СУВ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ ХУДУДИДА СУВ РЕСУРСЛАРИ** ........ **33**

2.1 Хавзани умумий сув мувозанати ........ 33

2.1.1 Ер усти сув ресурсларини хисоблаш ........ 33

2.1.2 Атмосфера ёгинларини ресурсини хисоблаш ........ 39

2.1.3 Ер ости сувининг йиллик микдорини хисоблаш ........ 39

**III-боб. ҲАВЗАНИНГ СУВ ХЎЖАЛИК МАЖМУАСИ ҚАТНАШУВЧИЛАРИНИНГ СУВ ИСТЕЪМОЛИ ВА ОҚОВА СУВ ЧИҚАРИШИ ҲАЖМЛАРИНИ ҲИСОБИ.** ........ **42**

3.1 Сув хўжалиги мажмуаси қатнашувчиларини асослаш ........ 42

3.2 Коммунал – маиший рўзғор  хўжаликни сув билан таъминлаш ........ 44

3.3 Саноат тармоқлари ва корхоналари ........ 50

3.4 Қишлоқ хўжалиги ........ 56

3.4.1 Чорвачилик ........ 56

3.4.2. Суғорма деҳқончилик ........ 59

3.5 Баликчилик хужалигида сув истеъмол қилиш ва оқова сув чиқариш ҳажмларини ва режимларини ҳисоблаш. ........ 62

3.6 Сув энергетикаси ........ 67

3.7 Дарё делтасига (санитар) сув ўтказиш. ........ 69
3.7.1 Пастда жойлашган СХК қатнашувчиларининг сув истеъмоли. ........ 69
3.7.2 Санитар сув ўтказиш. ........ 69

**IV - боб. СУВ ХЎЖАЛИК МУВОЗАНАТИ, СУВ ХЎЖАЛИК ВА СУВНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ. ........ 73**

IV.1 Сув хўжалик мувозанати ........ 73
IV.2 Сув хўжалик чора-тадбирлари ........ 78
IV.3 Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва уларнинг салбий таъсирини бартараф қилиш тадбирлари ........ 79
IV.3.1 Сувни муҳофаза қилиш тадбирлари ........ 79
IV.3.2 Сувнинг салбий таъсирини бартараф қилиш тадбирлари ........ 81

**V-боб. ОҚ-СУВ ИТБ ҲУДУДИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН МУКАММАЛ ФОЙДАЛАНИШ ТАДБИРЛАРИНИ АСОСЛАШ ........ 82**

5.1 Суғориш тармоқларида сув ресурларини самарали бошқариш ........ 82
5.2 Суғоришнинг сув тежовчи истиқболли технологияларини тадбиқ қилиш ........ 83
5.3 Оқ-сув ИТБсида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш таклифлари ........ 85

**VI-боб. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ........ 88**

6.1 Хафсизликнинг назарий асослари ........ 88
6.2 Мехнат мухофазаси иш шароитларини яхшилаш ........ 89
6.3 Фукоро мухофазаси ........ 91
6.4 Ёнғин хавфсизлиги ........ 92
6.5 Биринчи тиббий ёрдам ........ 94

**VII - боб. СУВ ХЎЖАЛИК ВА СУВНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ. ........ 98**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР. ........ 101**

# КИРИШ

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Республиканинг Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш давлат дастури ишлаб чиқиш бўйича Вазирлар махкамаси қарори эълон қилинди. Ушбу қарорнинг асосий мақсади, башорат қилинадиган сув танқислигининг ўсишини олдини олиш, унинг таъсирини максимал камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни зудлик билан амалга ошириш.

Юртимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида суғориладиган майдонлардан олинадиган ҳосил микдорини ошириш ва сифатини яхшилаш орқали мамлакат аҳолиси турмуш даражасини юқори поғоналарга кўтариш борасида самарали ишлар амалга оширилмокда.

«Аму-Кашкадарё ирригация тизим хавза бошқармаси Оксу ирригация тизим бошқармасида сув ресурслардан фойдаланишни такомиллаштириш» Ўзбекистон Республикасини «Сув ва сувдан фойдаланиш» қонуни ва «СРМФ ва МК схемасини ишлаб чикиш ва тасдиклаш тугрисидаги» Карорини талабларига муво-фик равишда, ахолини ва халк хужалиги тармокларини истикболли сувга булган талабини хамда сувни мухофаза килиш ва уни атроф-мухитга салбий таъсирларини бартараф килиш максадида асосий сув хужалик хамда сувни мухофаза килиш тадбирларини аниклаш учун ишлаб чикилди.

Берилган топширикга асосланиб Аму-Кашкадарё ирригация тизим хавза бошқармаси Оксу ирригация тизим бошқармасида сув ресурслардан фойдаланишни такомиллаштиришни халк хужалигини уч ривожланиш даврлари: хозирги (2013 й), якин (2018 й) ва узок (2028 й) келажак учун йилнинг хар бир ойи учун сув хужалик мувозанатини хамда иктисодиёт тармоқларини сувга булган талабларини келажакда хавзада кутилаётган сув ресурсларини 50%,75%,85% 90% ва 95%ли таъминланганлик шароитлари учун ишлаб чиқдим.

Иктисодий жихатдан дарё хавзасида асосий сув истеъмолчилар булиб у ердаги шахарлар ва кишлокларда яшовчи ахоли хамда ривожланган саноатни

турли сохалари, чорвачилик ва дехкон-чилик хисобланадилар, чунки бу сохаларни келажакда хам ривожланиши режалаштирилган.

Аму-Кашкадарё ирригация тизим хавза бошқармаси Оксу ирригация тизим бошқармасида сув ресурслардан фойдаланишни такомиллаштириш берилган бирламчи маълумотлар, меъёрий хуж-жатлар ва адабиётлар асосида уни табиий, гидрологик-гидрогеологик шароитларини хисобга ол-ган холда «СРМФ» фанидан боскич лойихасини бажаришни «Услубий кулланма»си буйича (доцент Х.И. Валиев 2012 й. тайёрлаган) бажарилди.

# I-боб. ТАБИИЙ ШАРОИТИ

**Географик жойлашган ўрни.** Қашқадарё вилояти Ўзбекистон республикаси таркибидаги вилоят ҳисобланади. 1924 йилнинг 1 ноябрида ташкил топган. 1938 йилнинг 15 январида Қашқадарё вилояти Сурхондарё вилоятига қўшиб юборилган. 1940 йилнинг 20 январида қайта ташкил этилди. Республиканинг жануби-шарқида жойлашган.




Расм 1.1 Худудни географик жойлашуви

Шимоли-шаркдан Қашқадарё, жанубий-шаркдан Сурхондарё, жанубий-ғарбдан ва ғарбдан Туркманистон, шарқдан Тожикистон ва Самарқанд вилоятлари билан чегарадош. Вилоят майдони 28.6 минг кв.км, бўлиб унинг маркази Қарши шаҳри.

## 1.1 Иқлим шароити

Л.Н. Бабушкин (1959) Қашқадарёнинг иқлими кескин ўзгарувчан континентал ва шу билан бирга ёзи иссиқ, қиши анча совуқ эканлиги хақида маълумотлари берган. Қишда шимолий Арктика совуқ ҳаво оқимлари келиб, ҳароратни анча пасайтириб юборади. Январь ойида ўртача ҳаво ҳарорати 0°С дан +2°С га, қишда баъзан -15°С дан -25°С гача пасайиши мумкин. Ёзи иссиқ ва қурук бўлиб, узоқ давом этади. Июль ойида ҳарорат кундуз кунлари

баъзан +44°С дан +47°С гача кўтарилади. Ёзнинг иккинчи ярмига келиб, 7-15 кун давомида гармсел шамоллар эсиб, у қишлоқ экинларига сезиларли зарар етказади.

Ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати доимо +15°С дан юқори бўлади. Йил давомида иссиқ кунлар 242 кунни ташкил этади. Фойдали ҳароратлар йиғиндиси бир йилда 4533-4939 даражада сақланиб туради. Ўсимликлар учун фойдали ҳароратлар йиғиндиси 2330-2991°С ни ташкил этиши Қарши чўлида ингичка толали пахта етиштириш ва иссиқсевар экинлар экиш, шунингдек бир йилда бир майдондан икки, уч марта ҳосил олиш учун жуда қулайдир (Л.Н. Бабушкин, 1959).

Иқлими контенентал субтропик иқлимга хос (ёзи иссиқ, қуруқ ва давомли, қиши нисбатан совуқ). Аксинча ғарбий қисми очиқ бўлиб мўтадил денгиз ва субтропик ҳаво массаларининг тўсиқсиз кириб келишига имкон беради. Шу сабабли қишда январнинг ўртача ҳарорати текислик қисмида 0+2ºС, Китоб туманида 0+8 ºС. Китоб туманида ёзда энг юқори ҳарорат +43ºС га кўтарилади. Бу туманнинг иқлими бошқа туманларга нисбатан салқинроқ. Худудда ўсимликлар учун фойдали ҳароратларнинг йиғиндиси 4700 – 5250ºС га етади. Бундай иқлим шароит ингичка толали ва бошқа иссиқ талаб қилувчи экинларни экиш учун имкон беради.

Лекин ёзда баъзан содир бўладиган гаримсел қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишга имконият бермайди. Гаримселга қарши курашиш учун ихота тарахтзорларни барпо этиш ҳамда тупроқни намини сақлашга қаратилган илғор агротехник тадбирларини қўллашни тақозо қилади. Шимоли-шарққа томон ёғин миқдори ортиб боради. Йилига текисликларда 290-300 мм, адирларда 320-550 мм, тоғларда эса 550-650 мм ёғин тушади. Ёғин асосан баҳор ва қишда ёғади. Тоғларнинг энг баланд қисми Ҳазрат Сулаймонда эса қорлар ёзда ҳам эриб улгурмайди. Бу районнинг йиллик ёғингарчилиги 300мм ни ташкил қилади. Баъзи йиллари эса 400мм гача боради.

Қуйида Қашқадарё вилояти станциясининг климатик характеристикаси

келтирилган. Бу жадвалдан куриниб турибдики ёғингарчиликнинг ойлар бўйича энг максимал қиймати асосан 3 ойга тўғри келади, яъни март 50мм, декабр 45мм ва апрел 39мм.

Жадвал №1.1.

Климатик характеристикаси

| Кўрсаткичлар | Ойлар | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | I | II | III | IV | V | VI | VII | VIII | IX | X | XI | XII |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| Ҳаво температураси | 20 | 15 | 8,1 | 15,1 | 21,7 | 25 | 27,7 | 25,0 | 20 | 13,0 | 6,0 | 1,0 |
| Ҳавонинг нисбий намлиги | 69 | 68 | 55 | 46 | 36 | 45,0 | 30 | 31 | 61 | 37 | 52 | 67 |
| Намликнинг етишмаслиги | 1,7 | 2,0 | 4,7 | 8,0 | 13,1 | 20,0 | 17,8 | 17,3 | 13,7 | 8,0 | 40 | 2,3 |
| Ёғингарчилик, мм | 32 | 24 | 50 | 39 | 32 | 14 | 6 | 1 | 4 | 19 | 33 | 45 |

Бу районда март ойининг охири март ойининг бошларидан бошлаб хаво температураси кўтарилиб боради. Энг максимал температура июн ойига тўғри келади. 25,9$^0$С энг минимал ҳаво температураси, декабр ва феврал ойларида 1$^0$С, октябр ойида ўртача нормал ҳаво температураси 13$^0$С бўлади. Баъзи йилларда максимал кўрсаткич 40$^0$С гача ҳам боради. Қиш ойларининг кўп йиллик ўртача температураси +6$^0$С бўлади. Баъзи йилларда ҳам боради, лекин бундай паст температуралар камдан кам бўлиб вақтинчаликдир.

Очиқ ҳаво кунлари 250 кунни ташкил қилади. Баҳор ойининг сўнгги совуқ кунлари март ойининг биринчи декадасига, яъни биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Кузги биринчи совуқ кунлар эса октябр ойининг ўрталарида бошланади. Вегетация даврида ҳавонинг намлиги 45-61% атрофида ўзгариб туради. Юқори босимли ҳаво намлигининг ёз ойларида етишмаслиги 14-16%ни ташкил қилади.

Жадвал №1.2.

Қуйидаги жадвалда бутун новегация давомида боғланиш кўрсаткичлари бўйича берилган.

| Зона пояс кенглиги | Ойлар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| БЦ- II | I | II | III | IX | XI | XII |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 10 | 13 | 24 | 42 | 25 | 12 |

Ҳавонинг доимий очиқ туриши кунларнинг иссиқлиги, ёғингарчиликнинг ойлар бўйича тақсимланганлиги, ҳавонинг иссиқ режими пахта маккажўхори, дон, беда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга яхши шароит яратиб боради. Ҳавонинг яхши келиши йилига бир хил қишлоқ хўжалик экинларидан яъни бир йиллик ўсимликлардан икки марта ҳосил олиш имконини беради.

## 1.2 Тупрок ва геологик шароитлари

Қашқадарё вилояти Ўзбекистон жанубида $37^0$ $58'$ - $39^0$ 32' шимолий кенглик ва 64°23' - 67°42' шарқий узоқлик орасила жойлашган бўлиб, унинг умумий ер майдони 13,6 минг кв км текисликдан иборат. Шундан 306,3 минг гектари тақирсимон тупроқлар тарқалган майдонлардан иборат. Бу тупроқларнинг таркибида чиринди миқдори 0,5 % дан 1,0 % гача бўлиб, уларда калий 2,0 % гача ва фосфор 0,15 % гача азот миқдори эса 0,02-0,07 % ни ташкил этган (А. Расулов, 1976).

Қашқадарё вилоятининг тупроғи жуда хилма хил. Бунинг асосий сабаби табиий шароитнинг хилма хиллигидир. Ундан ташқари тажриба ўтказилган жойнинг орфографик ва литолого-геоморфологик тузилиши ҳам турлича. Унинг жанубий - шарқ томони Помир-Олтой тизмаларига кирувчи Хисор ва Зарафшон тизмалари билан ўралган, айрим чўққилар 4500 метрга етади. Барча марказий ва шимолий ғарб қисми текис ерлардан иборат. Ерлари бўз ва гидроморф тупроқлардан иборат.

Минтақанинг ғарб томони ўртача субтропик чўл қисмни ташкил қилади, жуда қуруқ, иссиқлик билан яхши таъминланган, тақир ва гидроморф тупроқлардан ташкил топган. Тупроқ қоплами умумий қабул қилинган шароит билан аниқланади. Тупроқнинг хусусияти табиий шароитларга (об-ҳаво, литологик, гидрогеологик шароитлар, чуқурликлар, қирралар, ўсимликлар қоплами) ҳамда антропоген омилларга боғлиқ. Қашқадарё вилоятининг тупроқларининг тулари 1 жадвалда келтирилган.

3 жадвал маълумотларидан маълумки, Қашқадарё вилояти жами ер майдонининг 19,2% ери оч тусли бўз тупроқлардан иборат бўлиб, унинг 24,6% ни суғориладиган ерлар ташкил этади. Ёки вилоятнинг жами оч тусли бўз тупроқли ерларининг тўртдан бир қисмини суғориладиган деҳқончилик ерлар ташкил этади. Вилоятнинг ўтлоқ ва бўз ўтлоқ тупроқларининг асосий қисми ана шу оч тусли бўз тупроқлар зонаси қисмида жойлашганлиги сабабли тажрибамиз минтақаси вилоятнинг суғориладиган ерларининг деярли ярмисини ташкил этади. Қайд этилганидек, бундай ерлар табиий иқлим шароити билан нафақат Қашқадарё вилоятининг балки республикамизнинг барча ерларидан кескин фарқ қилади.

Оч тусли қўнғир ўтлоқ-чўл тупроқ тоғнинг юқори қисмида алувия ва делувия тоғ жинсларидан ҳосил бўлади. У ўсимликлар билан кам қопланган ерда юзага келади. У ерлардаги чиринди (гумус) миқдори 5-7 % бўлади. Уларни карбонатлардан ишқорланиши жуда чуқур қатламда бўлиб, юзаси кучсиз кислотали, ўсимликларга ўзлаштириладиган ҳаракатчан фосфор бир кг тупроқда 100-120 кг/мг бўлади. Бундай ерларда ўсув даври қисқа бўлганлиги ва ерлар эса қияликлардан иборат бўлганлиги сабабли жуда кам деҳқончилик қилиниб, яйловлар сифатида фойдаланилади.

Жадвал №1.3.

Қашқадарё вилояти тупроқларининг турлари

| № | Асосий тупроқ типлари | Умумий майлон, % |
|---|---|---|
| 1 | Оч тусли-қўнғир-ўтлоқ-чўл юқори тоғ. | 2,8 |
| 2 | Тоғнинг ўрта қисмида жойлашган. Жигар ранг. | 14,2 |
| 3 | Қорамтир бўз тупроқлар. | 8,8 |
| 4 | Типик бўз тупроқлар. | 23,1 |
| 5 | Оч тусли бўз тупроқлар. | 19,2 |
| 6 | Ўтлоқ ва бўз-ўтлоқ тупроқлар. | 3,8 |
| 7 | Тақир ва тақирсимон тупроқлар. | 12,4 |
| 8 | Чўл қумоқ, тупроқлар. | 2,2 |
| 9 | Чўл зонасининг ўтлоқ тупроқлари. | 1,6 |
| 10 | Кулранг қўнғир тупроқлар | 6,1 |
| 11 | Қумлар, она жинслар ва бошқалар. | 4,2 |
| | Жами | 100% |

Қирраларнинг соя томонида гумус миқдори 6-8 % бўлади. Худди шу

қирранинг қуёш томонида гумус микдори 2-5 % бўлади. Аммо тупроқдаги гумусли қатлам 40-50 см дан ошмайди. Бу ерлардан баҳорги, ёзги ва кузги деҳқончилик учун оч тусли тупроқларга нисбатан кўпроқ фойдаланилади.

Қорамтир бўз тупроқлар тоғларнинг ўрта қисмидан пастроқда жойлашган бўлиб, кучли ёмғир ёғадиган ерлардан иборат. Бундай ерларни ювилмаган ва эррозияга учрамаган қисмидаги гумус миқдори 2,3-3,9 %, лалми ерлардаги гумус микдори 1,2-2,0 % бўлади. Мазкур зонада ерлар ўзлаштирилса, эррозияга кўпроқ учрайди. Қорамтир бўз тупроқларнинг юқори қисми карбонатлар билан шўрланган. Бундай ерлар суғориш манбаларидан юқори бўлганлиги сабабли, суғориб деҳқончилик қилиш учун ишлатилмайди. Оч тусли бўз тупроқдар текисликларда жойлашган бўлиб, ундаги гумус миқдори (0,8-1,8 %).

## 1.3 Гидрология ва гидрогеология шароити

**Ер усти ва ости сувлари** .Вилоят худуди мураккаб геологик, геоморфологик-литологик, тупроқ иқлим шароитлари регионда ўта мураккаб гидрогеологик ҳолатини келтириб чиқарган, бу ҳолат ер усти ва ер ости сувлари режими ва балански кўрсаткичларида ўз аксини топган худудда гидрографик тармоқлар текис тақсимланган.




Расм.1.2 Қашқадарё вилояти ва уни гидрографик тармоғи

Вилоятда табиий ва сунъий кам зовурлашган текислик қисми асосий майдонларида ерларни юқори меъёрларда суғориш ва бошқа бир қатор омиллар грунт сувларининг ер юзасига кўтарилишига имкон яратмоқда, бу холат ўз навбатида тупроқда туз тўпланиши ва қайта шўрланиш жараёнларини келтириб чиқармоқда.Вилоят худудидан бир қанча дарёлар оқиб ўтади. Дарё сувини йигиш ва усимликларни вегитация даврида сув билан таъминлаш мақсадида дарё юқорисида “Хисорак” ва “Чимқурғон” каби сув омборлари қурилган булиб, “Чимқурғон”да 400-500млн м$^3$ сув туплаш имконияти бор, булардан ташқари “Қамаши”, “Нурайли”, “Шуролсой”, “Янгиқурғон” ва “Қарабоғсой” каби сел сувлари ва дарё сувларини йиғадиган сув омборлари қурилган.

Вилоятда энг йирик Таллимартон сув омбори 1986 йилда фойдаланишга топширилди, унинг сув туплаш имконияти 1525млн м$^3$ бўлиб, Карши чулини сув билан таъминлайдиган энг асоссий сув хавзаси хисобланади.

Китоб туманида эса Шуробсой сув омбори 1977йилда қуриб ишга туширилган.




Расм 1.3 Варганза гидропости гидрографи

Китоб тумани худудидан Оқсув дарёси оқиб ўтади . Қашқадарёнинг

ирмоғи Ҳисор тизмасининг ғарбий ён бағридаги музликлардан бошланади. Узунлиги 62 км. Сув йиғиш майдони 845 км$^2$. Оқсув дарёсига чапдан Даҳансой, Обикихона, Гилиндарё, Сужар каби ирмоқлар, ўнгдан Шутсой қуйилади. Оқсув Чироқчидан 18 км юқорида Қашқадарёга қуйилади.




Расм 1.4 Оқсу гидропости гидрографи

Қор – музликлардан сув олади. Ўртача йиллик сув сарфи 12.3 м$^3$/сек, энг кўп сув сарфи июнь ойига, энг кам сув сарфи декабр – январь ойларига тўғри келади. Йиллик сувининг 49.2 % март – июнда оқиб ўтади. Оқсувнинг ўртача оқим модули 14.6 л/сек км$^2$.




Расм 1.5. Яккабоғ дарёси гидрографи

Оқсувдан Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи туманларининг экинзорлари суғорилади.

Жадвал №1.4

Оқсу ИТБ худудидаги сув омборлари

| Сув омборлари номи | Жойлашган урни | Фойдаланиш йили | Сугориладиган майдон м.га | Лойихадаги хажми млн.м$^3$ | Фойдали иш хажми млн.м3 | Лойка босган хажми млн.м$^3$ | Парланадиган юза км$^2$ | Сув чикариш кобилияти | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | Нормал м$^3$/с | Отметка порог, м | Катастроф м$^3$/с | Отметка порог, м |
| Карабог | Яккабог | 1977 | 4 | 7,5 | 6,3 | 1,2 | 0,8 | 15 | 580,0 | 3 | 615,5 |
| Калкама | Чирокчи | 1987 | 3 | 9,4 | 9,3 | 0,1 | 1,5 | 27 | 660,0 | 206 | 677,2 |
| Кизилсув | Яккабог | 1991 | 4,8 | 9 | 9 | - | 3 | 18 | 803,0 | 390 | 930 |
| Нугайли | Яккабог | 1975 | 1,8 | 3 | 2,5 | 0,5 | 0,58 | 1,5 | 580,0 | 1 | 601 |
| Шурабсой | Китоб | 1977 | 1,7 | 2 | 1,8 | 0,2 | 0,38 | 5 | 661,0 | 120 | 668,5 |
| Тошлоксой | Шахрисабз | 1981 | 5,2 | 7 | 6,7 | 0,3 | 5,4 | 5 | 852,0 | - | |
| Янгикургон | Яккабог | 1975 | 1 | 3,3 | 3 | 0,3 | 1,5 | 5 | 578,1 | - | |
| Хисарак | Шахрисабз | 1987 | 40,6 | 170 | 155 | 15 | 4,2 | 200 | 987,0 | 480 | 1118 |

Ер ости сувларининг даврий равишда тебраниб туриши йил фасллари бўйича ўзгариб туради. Вилоят шимолий қисмида жойлашган ерларда ер ости сувларининг сатҳи 2.5-3.5 метр ва ундан ортиқ чуқурликда кузатилса, текис қисмининг асосий майдонларида 1-2 метр атрофида кузатилади, вегетация даврида 0.8 метргача кўтарилади, мавсумий тебраниш амплетудаси 1-1.5 метрни ташкил этади. Айниқса, текисликнинг қуйи ерларида ер ости сувлари оқими деярли таъминламаган шароитда сувда осон эрувчи тузлар миқдори ортиб, тупроқлар ва грунт сувларидаги дастлабки сулъфатли шўрланиш типи асосан сульфат-хлоридли шўрланиш химизмига айланиб бормоқда.

ер ости сувларининг шаклланиши асосий манбалари чиқиш конусининг юқори қисмидаги тоғ олди томондан келган ер ости оқимлари, суғориладиган далаларнинг инфильтрацияси, юза қисмдаги сув оқимлари ва атмосфера ёғинлари ҳисобланади. Ер ости сувлари ер усти сувлари билан боғликдир. Ер ости сувлари дарёларнинг оқим режимига катта таъсир этади. Баҳор ва ёз

фаслларида дарёлар тўлиб-тошиб оқади. Шу вақтда дарё сувларининг бир қисми ерга сизиб, ер ости сувларига қўшилиб. Уларнинг сатҳини кўтаради. Куз ҳамда қишда дарё сувларининг асосий манбаи бўлган қор ва музликларнинг эриши тўхтаганидан кейин. Дарёларда сув жуда ҳам камайиб кетади. Ер пўстида сизиб юрган ер ости сувлари ўз "ҳаёти" да турли-туман тоғ жинслари билан учрашади ва уларнинг таркибидаги ҳар хил тузларни, газларни ва органик бирикмаларни эритиб олиб кетади. Эриган тузларнинг миқдорига ғараб, ер ости сувлари асосан уч группага бўлинади.

1. чучук сувлар (бир литрида бир граммгача эриган туз бўлган сувлар):
2. шўр сувлар (бир литрида бир граммдан эллик граммгача эриган туз бўлган сувлар):
3. намакоб сувлар (бир литрида эллик граммдан кўп эриган туз бор сувлар).

Ер ости сувлари таркибида инсон соғлиғи учун фойдали бўлган баъзи тузлар, газлар ва органик бирикмалар ҳам учрайди. Бундай сувлар шифобахш сувлар деб юритилади. Масалан водород сульфидли, карбонот ангидридли, йод-бромли, радонли ва бошқа хил сувлар шундай шифобахшдир.

Ер юзасига яқин бўлган тупроқ қатламида жойлашган ва одатда, мавсумий равишда бўладиган сувлар тупроқ сувлар деб юритилади. Бундай сувларнинг асосий манбаи ёғин-сочин ҳамда атмосферадаги буғлардир, шунинг учун ҳам улар йилнинг нам сероб бўлган мавсумларидагина ҳосил бўлади. Баҳорнинг охирларида ёки ёзнинг бошларида қуёш ҳарорати таъсирида ва ўсимликларнинг сув ичиши натижасида бу сувлар бутунлай сарфланиб кетади. Тупроқ сувлари бошқа ер ости сувларига қараганда анчагина юқорида жойлашган ва улардан сувсиз ёки сал нам қатлам-аэрация зонаси билан ажралган бўлади. Аэрация зонаси ер юзасидан пастки қатламларга ва пастки қамламлардан ер юзасига ер ости сувларини буғ шаклида ўтказиб туради. Тупроқ сувларидан пастда жойлашган сув қатламини грунт суви қатлами деб атайдилар. Грунт сувлари сув ўтказмайдиган қатламнинг устида йиғилади ва одатда қум ҳамда шағал қатлами орасида сизиб ўтади. Бу ерга ер юзидан ёмғир, қор ва дарё сувлари

сизиб келади. Чунки грунт сувларининг устида сув ўтказмайдиган қатлам бўлмайди. Грунт сувлари фақат оғирлик кучи таъсири остида сизиб юради. Улар босим кучига эга эмас.

Грунт сувларининг минерализация даражаси вилоятнинг турли қисмларида турлича кўрсаткичларда ҳудуднинг ўрта қисмларида 1-2 г/л, қуйи пастқам ерларда 2-3 г/л ва ундан ортиқ миқдорни ташкил этади.

Хавза худуди гидрогелогик жихатдан хавзанинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб у ерда юра, бур, палеоген, неоген-тўртламчи даврларининг сувли горизонтлари ва комплекслари иштирок этади. Юра, бўр ва палегоген даврлари ётқизиқлари чуқурда жойлашганлиги ва улардаги ер ости сувларининг сифати яхши эмаслиги туфайли амалий ахамият касб этмайди. Охангарондарёга чиқувчи конус чегарасида тўртламчи қатлам қалинлиги хосил бўлган даврга тўғри келадиган ер ости суви асосий ахамиятга эга. Шунинг учун бу ер ости сувларини тарифлашга асосий эътибор қаратилади.

### 1.4 Вилоятнинг тупроқ-мелиоратив ҳолати.

Қашқадарёнинг тупроқ қоплами унинг табий унсурлари (иқлим, ер юзаси, сувлари ва хокозо) билан узвий боғлиқ холда хамда инсоннинг хўжалик фаолияти сабабли бир хил тарқалган эмас. Қарши кўлида тўпроқ очбўз тўпроқ кенг тарқалган. Унинг ғарбида эса чул сур-қунғир қумли шўрхоқ ва ўтлоқ тўпроқлар уғрайди. Сандиқли чўлининг катта қисми қумликлар билан банд. Қашқадарёнинг қадимий узанларида утлоқ ва шурхоқ тупроқлар уграйди. Ўлка текислик қисмининг атрофларидаги нисбатан баланд жойларда очбўз тўпроқ кенг тарқалган. Адирларда эса оддий вва туқбуз тўпроқлар учрайди. Бу тупроқ турлари 1200 мгача баланд бўлган жойларда учрайди. Улар таркибида чиринди миқдори 1,5-2,5%. Қашқадарёнинг 1200-2500 баландликларида тоғ ўрмон шигарранг қўнғир тупроқлар бор. Шигорранг тупроқлар иқлими нисбатан қуруқ булган жойларда тупроқ тарқалган. Дарахтлар хусусан, заранг, дўлана тагида эса чиринди миқдори 5-6% га етувчи тоғ ўрмон жигарранг тупроқлари учрайди.

Арчазор ва ёнғоқзорлар тагида жагарранг қунгир ўрмон тупроқлари учрайди, уларда чиринди миқдори 10-12%. Улкада тоғларнинг 2500 мдан баланд қисимларида иқлим узгариб, ёз салқин, қиши совуқ, арнам сулганлигидан дарахтлар камайиб баланд буйли хар хил утлар кўп ўсади. Шу сабабли бу баландликларда қўнғир тоғ ўтлоқ, торфли ўтлоқ ва ўтлоқ тупроқлар тарқалган.

Қашқадарёнинг сугориладиган ерларида маданий воха тапроғи учрайди. Суғориладиган бўз тупроқли ерларда маданий бўз тўпроқ, дарё қаерларида эса маданий ўтлоқ тўпроқлар вужудга келган. Суғориладиган жойлардаги маданий бўз тупроқларнинг бир қисми арготехника, қондаларига килинсамлик оқибатида қайта шўрланган.

Вилоятда 160,85 минг гектар кучсиз шўрланган, 48,44 минг гектар ўртача шўрланган, 14,18 минг гектар кўчли шўрланган майдонларнинг мавжудлиги ва бундай майдонлада хлор ва сульфат ионларини миқдорининг юқорилиг, ер ости сувларининг кескин кўтарилиши каби холатларни мавжулиги агроэкологиянинг кескинлишиб бораётганлиги кўрсатади.

Вилоятдаги экин майдонларининг 300 минг гектардан ортиқроғи зовур ва дренаш тизимларига эга булсада, хужаликларни ички зовурларини доимий тозаланиб турилмаслигини дехқончиликда салби таъсир этиш холатлари юзага келтирилмоқда. Албатта эрозияга тушкан ерларнинг мелиоратив холатини яхшилашборасида маълум тадбирлар қурилмоқда. Вилоятимиздаги мелиорация эксплуатация ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари бундай ерларга тик дренаж кудуқлар қазиб, ер ости зах сувини “насослар” ёрдамида чиқариш, очиқ ва ёпиқ дренажлар орқали ер ости сувининг пасайтириш каби чораларни қурмоқдалар.

Бу хавза Қашқадарё дарёсининг ўрта қисмига тўғри келади. Дарё хавзасини худуди қадимдан суғорилиб келинадиган ерларга киради. Бу ерда шўрланган тупроқ деярли учрамайди. Энг кўп шўрланган ерлар фақатгина ғарбий чегарада учрайди. Аллювиал қатламнинг ер ости сувлари 1 г/л дан

ортмайдиган қалин қолдикли бир жинсли кимёвий таркиби билан характерланади [19].

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив холати ер ости сувлари регионлари билан яқин алоқада бўлади. Атмосфера ёғининг йиллик хажми ўтган йилгидан ортди. ИТБнинг қишлоқ хўжалик ерлари Қашқадарё дарё чиқиш конусида жойлашган. Қудуқлар сувлари 10-20 м ва ундан ҳам чуқурдан тортиб олади. Қалин қуйқум хажми 1,4 г/л дан 45,2 г/л гачадир. Чиқиш конуси худудида жойлашган хўжаликларда ер ости сувлари 0,5 м дан 10 м гача бўлган чуқурликда жойлашган. Қалин қуйқум 0,89 г/л дан 40,26 г/л гачадир. Табиий шўрланиш ва дренаж сувларини суғоришда ишлатилиши туфайли сувнинг минераллашуви ортиб кетиши сув борган қалинликда эрувчан тузларни ҳам оқиб боришига имкон яратади. Бу ҳамма омиллар ер ости ва дренаж сувларини юқори минераллашувига олиб келади.

### 1.5 Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси

**Ўсимлик дунёси**. Жойнинг ер юзаси, иқлими ва тупроқ қолламига боғлиқ холда ўсимлик турлари ғарбдан шарққа қараб узгаради. Вилоятнинг ғарбий текислик қисмида қирғоқчиликка мослашган, чулларга хос ўсимликларучрайди. Улканинг жануби ғарбидаги Сандиқли қумлигида қурғоқчилик ва қумга мослашган ўсимликлар шузғун, илоқ, селин, каврак,қизил қандим, етнак, булдуруқ ўти ва саксовул ўсади. Мустахкамланган қумларда шувоқ ва эфемерлар кўпроқ.

Вилоятнинг ички чуллари катта майдонни эгаллаган бўлиб, шувоқ, шўра утлар, мингбош, шузғун ва бошокли усимликлар ўсади. Дарё қаерларида эса шувоқ, шўра, янтоқ, соябон шаклидаги шинжик усимликлари учрайди. Қашқадарё ва унинг ирмоқлари бўйларидаги туқайзорлар қалиш, жол, жийда, жингил, атриқ ўсади. Адирларда эфелирлар ва эфемироид ўсимликлар қалин ўсади, адирларда шувоқ, бурғун, буғдой иқ, каврак, оқ қурай, қўзиқулоқ қурғоқчил ва жашлоқ ерларда бир йиллик острочон, чий қабирлар ўсади. Шунингдек бодом, зирк, дўлана кабилар хам учрайди.

Қашқадарё вилоятининг 1500 - 2500 м баландлик қисимларида тоғ баландлик минтақаси жойлашган. Бу баландликда ёзда харорат онга паст , ёғин миқдори кўп. Бу эса утлардан буғдой иқ, шувоқ, тилчоқ, жавдар, широч; дарахтлардан арча, ёнғоқ, заранг, қайин, тол, терак, бодом, писта, олча, дулана кабилар кенг тарқалишига имкон беради. Тоғларнинг энг баланд қисимларида (2800 мдан) қисимларида ёз қисқа салқин ва нам. Шу сабабли бу баландликларда ўтлоқлар кенг тарқалган. Асосий ўсимлик қунғир бош, оқ сухта, тиконли коврак, бетага, ровоч кабилар; Даривор ўсимликлардан зира, анзур пиёзи хам учрайди.

Вилоятда "Қизил китоб"га кирган ўсимлик тўрлари бор.Буларга Ўзбекистон гвоздикаси, чилон жийда. ёввойи узум, ёввойи жийда, сумбул, лола каби ўсимликларнинг бир неча тури қурик остига олинган.

**Ҳайвонот дунёси.** Вилоятнинг текислик қисмида чулга мослашган хайвонлар сариқ юмронқозиқ, қушоёқ, сичқон, калтакесак, ечкиемар, илон, бўри, тулки, шайронлар яшайди. Дарё водийлардаги тўқайзорларда чиабури, қирғовул, туқай мушуги учрайди.

Ўлканинг тоғли қисмида айиқ, тоғ такаси, тоғқуши, бўрсиқ, бўри, тунғиз, силовсин, урмон каламуши, қизилқум суғур, кулранг саесиқўзан, сувсар, шайра, бургут, каптар ва шунга ўхшаш хайвонлар ва паррандалар учрайди.

Вилоятда "Қизил китоб"га киритилган бир қанча хайвонлар қоплон, айиқ, ёввойи чучқа, бури каби сут эмизувчи хайвонлар, қушлар ва судрвлиб юрувчи хайвонлар, feруза ва парвона капалакларининг бир неча турлари, тошқоллар, олтин қўнғиз сингари хашоратлар сақланиб қолган.

Давлат қуриқхоналари ўсилик ва хайвонлар ёки экотизимларини мухофаза қилиш учун ташкил этилган. Қуриқхоналарда илмий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Вилоятда Хисор давлат қуриқхонаси. Қуриқхона 1983 йилда ташкил этилган булиб, унинг ер майдони 80986,1га, шундан 12203га урмонзор, 27450га ўтлоқ, 171га сув хавзалари. Қуриқхонада 870 хил ўсимлик турлари

бор. Қурикхона штатида 56 ходим ишлайди, улардан 35таси қурикхона бўйча назоратчи, 8таси илмий ходим. Қурикхона вилояти, Хисор тоғ тизмасининг 0арбида Яккабоғ ва Шахрисабз туманларида жойлашган. Кўрикхона рахбарияти ва ходимларининг мақсади Хисор тоғ тизмаси экотизимини сақлаш.Вилоятда шуниндек, Китоб геологик қурикхонаси хам бор.

Ахолиси асосан Узбеклар (91,2%), шунингдек тожик, туркман, рус, қозоқ, украин, озербайджон, қирғиз ва бошка миллат вакиллари хам яшайди. Ахолисининг ўртача зинчлиги 1км$^2$ га 84киши, шахар ахолиси 587,5 минг киши қишлоқ ахолиси 1790,7 минг киши.

## 1.6 Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: ғаллачилик, пахтачилик, картошкачилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик. Боғдорчилик, токчилик, ипакчилик ҳам салмоқли ўрин тутади. Чорвачилиги гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. Қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик ривожланган. Муборак, Миришкор, Нишон, Ғузор туманларида қоракўлчиликка ихтисослашган йирик наслчилик хўжаликлари мавжуд. Асаларичиликка ҳам катта эътибор берилган.

Қашқадарё вилоятида 667,6 минг га экин майдони мавжуд бўлиб, шундан 418,7 минг гектари суғорилади. 173,8 минг га ерга пахта, 205 минг га ерга дон, 3,2 минг га ерга сабзавот, 2 минг га ерга полиз, 0,5 минг га ерга картошка, 38,1 минг га ерга озуқа экинлари экилади. 32,8 минг га ер кўп йиллик дарахтзорлар, шундан 13,2 минг га ер мевазор, 9,2 минг га ер тутзор, 10,4 минг га ер токэорлар билан банд, 1451 минг га ерни яйловлар эгаллаган. Ер-нинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 13815 км узунликда коллектор-дренаж тармоқлари қурилган. Вилоятда суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида суғориш каналлари (Қарши, Сандал ва бошқа) ва сув омборлари (Таллимаржон, Чимқўрғон, Ҳисорак, Қизилсув ва б.) барпо этилган. Суғоришни ташкил этиш учун 6 та йирик насос стансияси қурилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни

кўпайтириш мақсадида Қарши чўлида 250 минг га ер ўзлаштирилган.

Вилоятда 68 ширкат, 17,6 минг деҳқон, 17,2 минг фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Қашқадарё вилояти ширкат, фермер ва шахсий хўжаликларида 654,7 минг қорамол (шу жумладан, 276,8 минг сигир), 2,2 млн. қўй ва эчки, 1,3 млн. парранда, 17,3 минг йилқи боқилади (2005)., 1996—2005 йиллар вилоятдан Б.Рўзиев, Қ.Мўминов, Ғ. Ғаҳмонов, М.Саидовлар «Узбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлдилар.

Вилоятдаги темирйўл узунлигй 401 км. Асосий темирйўл магистраллари Душанбе-Қарши, Китоб -Қарши— Самарканд, янги қурилаётган Тошғузор — Бойсун—Қумқўрғон (умумий уз. 223 км) темирйўлнинг 106,2 км қисми Қашқадарё вилояти ҳудудидан ўтади. 2004 йил октябргача ушбу йўлнинг 112 км дан зиёд Тош-ғузор —Деҳқонобод ва Қумкўрғон — Бойсун қисмлари фойдаланишга топширилди. Вилоятда. жами 13,9 минг км узунликда автомобиль йўллари мавжуд. Шундан умумий фойдаланилаётган йўллар уз. 3,4 минг км, хўжаликлар ҳисобидаги йўллар уз. 10,5 минг км. Кашкадарё вилояти ҳудудидан республика аҳамиятига эга бўлган Карши — Амударё (Туркменистан), Катта Узбекистан тракти (Тошкент — Термиз), Қарши — Бухоро, Қарши — Самарқанд автомобиль йўллари ўтади. Қаршидан Ташкент, Термиз, Самарканд, Бухоро, На-воий, Денов ва б. шахарларга автобуслар қатнайди. Қарши аэропортидан Қарши — Москва, Қарши — Тошкент, Қарши — Андижон ва б. йўналишларда йўловчилар ташувчи самолётлар қатнови. йўлга қўйилган.

Водий Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбий ён бағридан бошланиб (энг баланд жойи 4145 м) Қарши чўлигача 310 км га чўзилган. Водий, асосан, текислик-дан иборат бўлиб, ғарб ва жан.-ғарбга пасайиб ва кенгайиб боради. Кашкадарё вилояти Қашқадарёнинг 1—5 террасаларини эгаллаган, бу террасалар тўртламчи давр пролювиалаллювиал ётқизиқлари билан қопланган. Водийда унча баланд бўлмаган қолдиқ тоғлар (Қўнғиртов, Косонтоғ, Майманоқтов, Аловид-динтов) бор. Кашкадарё вилояти жанубда жойлашга-ни учун иқлими қуруқ ва иссиқ. Янв. нинг ўртача т-раси Г,

июлники 28— 29°; энг паст т-ра —25°, —29°, энг юқори т-ра 46—47°. Ёғин миқцори рельеф баландлашган сари ортиб боради; текислик қисмида 200 мм, тоғ ён бағирларида 450—500 мм. Ёғиннинг кўп қисми қиш ва баҳор фаслларига тўғри келади. Водий тупроғи, асосан, бўз тупроқ, текислик қисмида оч бўз тупроқ, тоғлик ва баландликлар билан туташган қисмида типик бўз тупроқдир.

Усимлик қоплами хилма-хил. Илак, ранг, қўнғирбош, ялтирбош, момиқ, шувоқ, қўзиқулоқ, бодом, қизилча ва б. кенг тарқалган. Ҳайвонлар ва қушлардан майна, кўкқарға, каклик, япалоққуш, жайра, юмрон-қозиқ, тулки, чиябўри, қобон ва б. учрайди. Кашкадарё вилояти тоғ ён бағирлари чорвачилик учун қулай яйлов, текислик қисми деҳқончилик учун серунум. Водийда табиий газ, қурилиш материаллари конлари, минерал сувлар ва бошқа бор.

Вилоят экин майдонининг 25% пахта экилади. Вилоятнинг қарши чули минтақасида ихтисослашган пахтачилик, мевачилик, червачилик хужаликлари ташкил этади.

Пилличилик, мевачилик ва сабзавотчилик хўжайликнинг қўшимча тармоқларидир. Пахта экиладиган ерлар асосан Китоб Шахрисабз ботиғидадир. Қарши вохасида кўп ерларга пахта экилади. Бу вохага сув Чимқурғон сув омборидан келтирилади.

Ғаллакорлик тарқалган тоғ олди худудларида йилига 350-550 мм ёғин ёғади. Бундан ташқари вилоятда боғдорчилик хам кенг йўлга қўйилган. Ток хамда донакли мевалар кенг тарқалган.

Мевазорлар, сабзовот ва полиз экин майдонлари хам асосан Китоб Шахрисабз ьотиғида булиб, у ерда шароб, мева, сабзавот консервалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Пахтачилик билан бирга пиглачилик хам ривожланмокда. Вилоят қоракулчиликда етакчи ўринлардан бирини эгалламокда. Вилоятда яйловларнинг кўнлиги маккажўхори ва беда етиштиришнинг купайиш саноат чиқиндилардан фойдаланишнинг тобора кенг йўлга қўйилиши чорвачилик

юкксалишига имкон бермоқда. Вилоятда емғхашак имкориятларига мувофиқ чорвачиликда кенг этибор қаратилган. Республиканинг 20,1% табий гази, 26,8% нефти (газ конденсати), 10% мол ёғи, 10,6% консерваси, 16,8 % ғалла комбайни, 13% дони, 6,7% узуми, 9,1% гўшти, 15,7% жуни, 21,4% қоракўл териси Қашқадарё вилояти Ғўзор туманига тўғри келади .Оқсув ирригация тизимлари бошқармаси тасарруфига кирувчи ҳудудда сув ресурслари асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг суғоришда фойдаланишлари учун етказиб берилади. Шу билан бир қаторда сув аҳолини ичимлик эҳтиёжларини, ҳудуддаги саноат корхоналари, энергетика объектлари ва ижтимоий муассасаларнинг сувга бўлган талабини қондириш учун ҳам етказиб берилади.

1.6.1 Ирригация ва коллектор-дренаж тармоклари техник холати.

Оқ-сув ирригация тизимлари бошқармаси суғориладиган ерларига суғориш учун хўжалик ички (ХИТ) ва хўжаликлараро (ХАТ) каналлардан сув ёрдамида таминлайди (расм 2.1).




Расм 1.6 Сув ресурсларини бошқаришниниг чизиқли схемаси

Хужаликлараро каналларнинг 35,55 % бетонланган бўлиб энг юқори кўрсатгич 50,88% Китоб туманида, энг паст 28,91% Чироқчи туманида (2.2 - расм) кузатилади.




Расм 1.7 Оқ-сув ирригация тизимлари бошқармаси хужаликлар аро каналларининг техник холати

Ички хўжалик тармоқларининг техник кўрсатгичлари 2.1 – жадвалдда баён этилган бўлиб, тамирлаш тишлаш ишлари катта миқдорда Яккабоғ туманида (72,8%) ўтказилиши керак. .

Жадвал №1.5

Оқ-сув ирригация тизимлари бошқармаси ички хўжаликлар аро каналларнинг техник холати

| Туманлар | Умумий узунлиги, км | Шулардан коникарсиз | | тупрокли | | Бетонли | | Латокли тармок | | Турбали тармок | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Км | % | Км | % | км | % | км | % | км | % |
| Китоб | 390 | 251 | 64,4 | 45 | 11,5 | 45 | 11,5 | 152 | 39,0 | 148 | 37,9 |
| Шаҳрисабз | 661 | 424 | 64,1 | 497 | 75,2 | 43 | 6,5 | 121 | 18,3 | | |
| Яккабоғ | 486 | 354 | 72,8 | 361 | 74,3 | 47 | 9,7 | 78 | 16,0 | | |
| Чирокчи | 796 | 496 | 62,3 | 446 | 56,0 | 58 | 7,3 | 292 | 36,7 | | |
| Жами | 2333 | 1525 | 65,4 | 1349 | 57,8 | 193 | 8,3 | 643 | 27,6 | 148 | 6,3 |

Хужаликлар аро каналларнинг фойдали иш коэффециенти Китоб, Шахрисабз туманларида 0,85 дан Чироқчи, Яккабоғ туманларида 0,94 гача

ўзгаради. Хужалик ички каналарида ФИК мос равишда 0,7 дан 0,93 гача ўзгариши кузатилади.

Оқ-сув ирригация тизимлари бошқармаси худудида мураккаб дренаж тизимлари курилган, ётик зовурларнинг умумий узунлиги 1439,1 км дир, бу эса 24,3-32,5 м/га ни ташкил этади 2.2-жадвал.

Жадвал №1.6

Оқ-сув ирригация тизимлари бошқармаси ички хўжаликлар аро каналларнинг техник холати

| Туманлар | Умумий узунлиги, км | Магистрал коллектор | | Хўжаликлараро коллектор | | Хўжалик коллекторлари | | Шундан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | Очиқ | Ёпик |
| | | км | % | км | % | км | % | км | Км |
| Китоб | 91,2 | 4,8 | 5,3 | 11,7 | 12,8 | 74,7 | 81,9 | 74,7 | 0,0 |
| Шаҳрисабз | 135,4 | 12,3 | 9,1 | 24,6 | 18,2 | 98,5 | 72,7 | 98,5 | 0,0 |
| Яккабоғ | 416,4 | 7,4 | 1,8 | 38,5 | 9,2 | 370,5 | 89,0 | 321,3 | 23,4 |
| Чирокчи | 796,1 | 25,7 | 3,2 | 65,4 | 8,2 | 705,0 | 88,6 | 705,0 | 49,2 |
| Жами | 1439,1 | 50,2 | 3,5 | 140,2 | 9,7 | 1248,7 | 86,8 | 1199,5 | 72,6 |

### 1.6.2 Қишлок хужалиги майдонларида сувдан фойдаланиш

Ирригация тизимлари бошқармаси тасарруфига кирувчи ҳудудда қишлоқ хўжалиги майдонларида асосан пахта ва ғалла етиштирилади.

Оқ-сув Ҳудудда жойлашган пахта ва ғалла майдонларининг 2013 йилдаги кўрсаткичлари 2.1-жадвалда келтирилган.

Жадвал №1.7

Оқ-сув ИТБда экин майдонларининг тақсимоти

| Туманлар номи | Суғориладиган майдон, га | | |
|---|---|---|---|
| | Жами | Шундан | |
| | | пахта | галла |
| Китоб | 13400 | 3300 | 10100 |
| Шаҳрисабз | 12400 | 6200 | 6200 |
| Яккабоғ | 17634 | 8000 | 9634 |
| Чирокчи | 19656 | 11000 | 8656 |
| **Жами** | **63090** | **28500** | **34590** |

Экинларнинг суғориш меъёри, суғориш вақти, давомийлиги ва сони, яъни суғориш тартиби об-ҳаво шароитлари, ҳудуднинг жойлашган ўрни, тупроқ тури, ер ости сувларининг сатҳи, экинни ривожланиш фазаси ва бошқа хусусиятларга боғлиқдир.

Сув ресурслари кам бўлиши кутилаётган 2011 йилда сув танқислиги муаммолари юзага келмаслиги учун фермер хўжаликларида маълум чора-тадбирлар режалаштирилиши ва ўтказилиши лозим, бунда қишлоқ хўжалик экинларини ҳар қачонгидан ҳам самарали суғориш талаб этилади.

Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ерларида асосан механик таркибига кўра типик ва оч буз , буз ва тупроқлар бор , китоб шахрисабз сойлигида купроқ қумоқ тупроқлар мавжуд тғларда еса типик буз тупроқлар учрайди . Сизот сувларининг сатҳи ўртача 1-2 метр чуқурликда бўлган суғориладиган ерлар жами майдоннинг 20 % ни, 2-3 метр бўлган ерлар 67 % ни ва 3 метрдан чуқур бўлган ерлар 12 % ни ташкил этади. Юқоридаги кўрсатгичларга мувофиқ вилоятнинг асосий суғориладиган ерлари III, VI ва IX гидромодул районларга тўғри келади.

Вилоятнинг сизот сувлари сатҳи 3 метрдан чуқур бўлган ўрта, оғир қумоқ ва гилли тупроқлари шаротида ғўза вегетация даврида жами 7-9 маротаба, шундан гуллагунгача бўлган даврда 2 марта, гуллаш ва ҳосил тугиш даврида 5 марта ҳамда кўсак очилгунгача бўлган даврда 2 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри гидромодул районига қараб 7500-7900 $м^3$/га ни ташкил этади ва ҳар бир суғориш меъёрлари 800-1300 $м^3$/га бўлади. Ғалла ўсимлигида эса 3-гидромодул бўйича мавсумий суғориш меъёри 4000 $м^3$/га, шундан ҳар бир суғориш бўйича эса 900-1100 $м^3$/га ни ташкил этади.

Вилоятнинг сизот сувлари сатҳи 2-3 метр бўлган оғир қумоқ ва гилли тупроқлар шароитида ғўза вегетация даврида жами 5-6 маротаба, шундан гуллагунгача бўлган даврда 1 марта, гуллаш ва ҳосил тугиш даврида 4 марта ҳамда кўсак очилгунгача бўлган даврда 1 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёрлари мос равишда 5 ва 4 гидромодуллар бўйича 5400 ва 8000 $м^3$/га ни ташкил этиши керак. Ҳар бир суғориш меъёрлари 800-1200 $м^3$/га

бўлиши лозим. Ғалла ўсимлиги учун 6-гидромодул бўйича мавсумий суғориш меъёри 2700 $м^3$/га, шундан ҳар бир суғориш бўйича эса 700-1000 $м^3$/га ни ташкил этади.

Сизот сувлари сатҳи 1-2 метр бўлган енгил ва ўрта қумоқ тупроқлар шароитида ғўза вегетация даврида жами 4-7 маротаба, шундан гуллашгача бўлган даврда 1-2 марта, гуллаш ва ҳосил тугиш даврида 5-6 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 3700-6300 $м^3$/га ни ташкил этиши керак. Ҳар бир суғориш меъёрлари 700-1000 $м^3$/га бўлиши лозим.

| Узок келажак | 429,58 | 96,07 | 93,19 | 140,25 | 109,93 | 68,46 | -46,96 | -134,12 | -130,01 | -19,00 | 71,60 | 83,64 | 96,54 |
| **СХБ баланси 85% таъминланганлик** | | | | | | | | | | | | | |
| Хозирги замон | 451,82 | 102,28 | 128,17 | 190,42 | 146,26 | 62,89 | -56,57 | -169,76 | -171,43 | -33,10 | 71,09 | 82,41 | 99,18 |
| Якин келажак | 421,04 | 97,36 | 106,69 | 157,37 | 124,21 | 56,70 | -50,62 | -149,03 | -148,56 | -25,12 | 70,86 | 82,20 | 98,97 |
| Узок келажак | 398,69 | 93,19 | 89,52 | 131,08 | 106,67 | 52,03 | -45,28 | -131,43 | -129,36 | -18,48 | 70,42 | 81,77 | 98,56 |
| **СХБ баланси 90% таъминланганлик** | | | | | | | | | | | | | |
| Хозирги замон | 429,50 | 100,93 | 127,30 | 193,41 | 140,04 | 57,37 | -60,48 | -170,70 | -173,73 | -35,35 | 72,48 | 82,34 | 95,91 |
| Якин келажак | 398,72 | 96,01 | 105,82 | 160,36 | 117,99 | 51,18 | -54,52 | -149,97 | -150,86 | -27,37 | 72,25 | 82,12 | 95,71 |
| Узок келажак | 376,37 | 91,84 | 88,65 | 134,07 | 100,46 | 46,51 | -49,19 | -132,37 | -131,67 | -20,73 | 71,81 | 81,70 | 95,29 |

## IV.2 Сув хўжалик чора-тадбирлари

Сув хўжалик мажмуаси (СХМ) алоҳида қатнашувчиларининг сув билан таъминланганлик даражаси ва шароитини ўрнатиш асосида сув ресурсларидан мукаммал ва оқилона фойдаланишга қаратилган, уларнинг талабини қондириш бўйича аниқ сув хўжалик тадбирий чоралари белгиланиши керак.

Бу тадбирлар сув ресурсларини тартибга солиш ва қайта тақсимлаш, чиқинди ва зовур сувларини тозалаш, фойдаланиш ва бошқа чораларни ўз ичига олиши керак.

Сув хўжалик тадбирлари таркиби ва мазмуни сув хўжалик балансини ва сув хўжалик комплекси қатнашувчиларини сув билан таъминланганлик шароитини таҳлил қилиш асосида аниқланади. Уч ҳисоблаш даврлари: ҳозирги, яқин ва узоқ келажакка тузилган СХБ асосидаги тадбирларни амалга ошириш вақтлари белгиланади. Бу боб ҳисоблаш даврларида амалга оширилиши керак бўлган сув хўжалик тадбирларининг жадвалини тузиш билан тугалланади.

Жадвал №4.2

Сув хўжалик ва сувни муҳофаза қилиш тадбирлари жадвали.

| **№** | **Тадбирлар** | **Ўлчов бирлиги** | **Тадбирлар ҳажми** | |
|---|---|---|---|---|
| | | | **Яқин келажак** | **Узоқ келажак** |
| **А. Сув хўжалик** | | | | |
| 1 | Коммунал хўжалик объектларини сув билан таъминлаш: | | | |
| | а. Шаҳарлар.Ш.Т.К. | $м^3$/сут | 206705 | 302675 |
| | б. қишлоқ аҳолиси яшаш жойи | $м^3$/сут | 84248 | 110063 |
| 2 | Саноат корхоналарини сув билан таъминлаш: | | | |
| | а. қурилиш материаллари корхоналари | $м^3$/сут | 232 | 348 |
| | б. озиқ-овқат корхоналари | | 4809 | 7214 |
| | в. енгил саноат корхоналари | $м^3$/сут | 3203 | 4805 |
| **3** | Қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш | | | |
| **3,1** | Чорвачиликни сув билан таъминлаш: | | | |
| | а)йирик шохли қорамоллар комплекси | $м^3$/сут | 1725 | 1984 |
| | б) паррандачилик комплекси | $м^3$/сут | 4025 | 4629 |
| | в) яйловдаги қўйлар | $м^3$/сут | 4025 | 4629 |
| 3,2 | Суғорма деҳқончилиги: | га | 63405,5 | 63722,5 |
| | а.ерларни капитал қайта ишлаш (ω=30%) | га | 19021,6 | 19116,7 |
| | б.ерни мелиоратив ҳолатини яхшилаш (ω=50%) | га | 31702,7 | 31861,2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | в.ерларни капитал текислаш (ω=20%) | га | 12681,1 | 12744,5 |
| 4 | Санитар сув ўтказиш | **$м^3$** | 3528000 | 3528000 |
| | **Б. Сувни муҳофаза қилиш** | | | |
| 5 | Коммунал–хўжалик обектларини канализациялаш: | | | |
| | А) шаҳарларни, Ш.Т.К. | $м^3$/сут | 186034 | 275159 |
| | Б) қишлоқ аҳоли яшаш жойлари | $м^3$/сут | 72212 | 96306 |
| 6 | Саноатда сувдан қайта фойдаланишни жорий қилиш | $м^3$/сут | 2465 | 3697 |
| | Оқова сувларни тозалаш иншоотлари комплексини қуриш | $м^3$/сут | 260711 | 375161 |
| 7 | Суғориш майдонларидан чиқаётган зовур сувларини йиғиш ва тозалш | $м^3$/сут | 63405,5 | 63722,5 |

## IV.3 Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва уларнинг салбий таъсирини бартараф қилиш тадбирлари

### IV.3.1 Сувни муҳофаза қилиш тадбирлари

Бу бўлимда сув ресурсларининг ифлосланиши, миқдорининг белгиланган вақтдан илгари камайиб кетиши ва бефойда сарфини бартараф қилувчи сувни муҳофаза қилиш тадбирларининг комплекси ишлаб чиқилади.

Сув ресурсларининг саноатнинг чиқинди сувлари билан ифлосланишини бартараф қилиш учун саноатни сув билан таъминлаш тизимида сувдан қайта, ёпиқ тизимда фойдаланишни ва «қолдиқларни» зарарсизлантириш тадбирларини максимал тадбиқ қилиш кўзда тутилиши керак. Озиқ-овқат саноатида ифлосланган сувлар маҳаллий тозалаш иншоотларидан кейин аҳоли жойлари канализация шахобчасига ташланиши керак ва коммунал хўжалик чиқинди сувлари билан тозалаш иншоотларидан ўтказилгандан кейин суғоришда ёки саноатни сув билан таъминлашда фойдаланиш керак.

Коммунал-хўжалик ва чорвачилик комплексларининг чиқинди сувларини ташқарига чиқариш учун қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин.

- Аҳоли яшаш жойларида ва чорвачилик комплексларида янги канализация шахобчасини қуриш ёки борларини қайта тиклаш;

- канализация чиқинди сувларини (механик, химиявий, биологик ва бошқа тозалаш усуллари) тозалаш ва улардан қайта фойдаланиш.

Суғориш далаларидан чиқаётган зовур сувлар дарё ва ер ости сувларини ифлослантирувчи асосий манбадир. Уларни суғориш далалари ташқарисига чиқариш ноҳиянинг қайтмас сув сарфи миқдорини оширишга олиб келади. Шунинг учун уларни сақлаш ва қайта фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш зарурдир.

СХК қатнашувчиларининг оқова ва дренаж сувларини тозалаш ва қайта фойдаланиш тав-сияларини ишлаб чиқиш учун шу сувларнинг миқдорини (W млн.м$^3$/йил) ва сифатини (С,г/л ) ифодаловчи жадвал тузилади.

Боскич лойихасида оқова ва зовур сувларининг сифати, майдони табиий дреналанганлиги ва ноҳиянинг тупроқ мелиоратив шароити билан боғлиқ ҳолда бу сувлардан суғоришда ва техник сув билан таъминлашда фойдаланиш тавсиялари берилади ёки улардан тозала-нишдан сўнг қайта фойдаланиш ва бартараф қилишнинг бошқа усуллари берилади.

Қишлоқ хўжалигида ўғитлардан ва зараркунандаларга қарши заҳарли химикатлардан фой-даланиш сув ресурсларининг сифатига салбий таъсир қилади. Шунинг учун талаба қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан курашиш учун биологик тавсиялар ишлаб чиқиши керак. Шу билан бирга уларни қўллашни меъёрлашга ва шароитларга қатъий риоя қилишга кўр-сатма берилиши керак.

Хўжаликнинг майдони ва унинг омборларини ўйламасдан жойлаштириш, жиҳозлаш, қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш ва ишлатиш сув ресурсларининг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун талабалар томонидан шундай ифлосланишнинг олдини олувчи тадбирлар (ишлатилган ГСМ ни йиғиш ва топшириш, автобазанинг ва МТУ нинг майдонини гидроизалация қилиш, нефть маҳсулотларини йиғувчи ускуна ўрнатилган пайтдан фойдаланиш сув билан таъминлаш тизимини ташкил қилиш ) тавсия қилиниши керак.

## IV.3.2 Сувнинг салбий таъсирини бартараф қилиш тадбирлари

Боскич лойихасида нафақат у ёки бу сув хўжалик ноҳияси ёки дарё ҳавзасининг сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масаласи, балки кўп масалалар кўрилиши керак, яъни майдонни сув тошқинидан, сув босишдан, сел ҳодисасидан ва бошқалардан муҳофаза қилиш тадбирлари ҳам ишлаб чиқилиши керак. Адабиётлардан фойдаланиб кўрилаётган ноҳия учун сувнинг салбий таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳодиса ва жараёнлар ўрнатилади ва уларнинг мазмунига мувофиқ тадбирлар таркиби асосланади: сел омборларини ташкил қилиш, селни оқизиш  иншоотлари, қирғоқни ҳимоя қилиш дамбалари, қияликлар дарахтлар экиш ва бошқалар. Лойиҳага мувофиқ тадбирлар мазмуни, тўгри ҳажми асосланади ва йириклаштирилган нормалар бўйича умумий капитал маблағлар баҳоланади.

# V-боб. ОҚ-СУВ ИТБ ҲУДУДИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН МУКАММАЛ ФОЙДАЛАНИШ ТАДБИРЛАРИНИ АСОСЛАШ

ОҚ-СУВ ирригация тизимлари бошқармаси ҳудудида ишлатиладиган сув ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги майдонларини суғориш учун сарфланганлиги боис, ҳудудда сув ресурсларидан тежамли фойдаланишга йўналтирилган тадбирларни асосини қишлоқ хўжалиги майдонларидаги сув истъемолини такомиллаштириш йўналишидаги тадбирлар ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги сув истъемолини такомиллаштириш орқали сув ресурсларидан окилона фойдаланишнинг турли йўллари мавжуд бўлиб, биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар орасида турли тартибдаги суғориш каналларида сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш, экин майдонларида суғоришнинг сув тежовчи истиқболли технологияларини қўллаш, амалдаги суғориш усулларини такомиллаштириш тадбирлари энг самарали йўллар саналади.

## 5.1 Суғориш тармоқларида сув ресурларини самарали бошқариш




Қишлоқ хўжалиги майдонларида етиштирилаётган экинларни сув билан етарли миқдор ва керакли муддатларда таъминлаш учун турли

тартибдаги каналлар ишлаш режими экинларнинг сув истъемоли режими билан мос тушиши сув ресурсларини беҳудага исроф бўлишидан асровчи энг муҳим жиҳат ҳисобланади.

Агарда суғориш каналларининг сув етказиб бериш режими экинларнинг сув истъемоли режимига мос тушмаса, олиб келинган сув каналларнинг охиридан тўғридан-тўғри зовур ва ташламаларга ташлаб юборилади, оқибатда суғориш тизимига етказиб берилаётган сув ресурсларининг маҳсулдорлиги пасайиб кетади.

Суғориш каналларининг техник ҳолати ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга кўмаклашувчи муҳим омиллардан биридир. Техник носоз (масалан, тешилган ёки синган нов) бўлган суғориш тармоғидан сувни оқиб ётиши, биринчидан сувни беҳудага исрофига сабаб бўлса, иккинчидан сувни бетўхтов оқиши натижасида ботқоқ ҳосил бўлишига, ундан кейин эса шу ер атрофида шўр тўпланишига олиб келади.

Тозаланмаган ва тўлиб қолган суғориш тармоқларидан сув яхши юрмайди. Оқибатда ариқларнинг тиқилган ерларидан сув тошиб кетади, ботқоқликлар пайдо қилади, энг ёмони далага етказиб берилаётган сув беҳудага ерга сингади, буғланади ёки пастқамликларга оқиб кетади.

Шундай қилиб, суғориш каналлари техник ҳолатини яхшилаш ва улардан суғориладиган майдонларга сув етказиб беришни такомиллаштириш орқали сув ресурсларидан унумли фойдаланишни йулга қуйса булади.

## 5.2 Суғоришнинг сув тежовчи истиқболли технологияларини тадбиқ қилиш

Қашқадарё вилоятининг табиий-иқлим шароитлари арид (қурғоқчил) минтақага мансуб бўлиб, ҳозирги кунда худуднинг карийб 100 % майдонида эгатлаб суғориш усули қўлланилади.

Бундай шароитда суғориладиган майдонларда суғоришнинг сув тежовчи истиқболли технологияларини тадбиқ қилиш сув ресурсларидан

оқилона фойдаланишнинг йўлларидан бири саналади.

Одатда кишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда суғоришнинг сув тежовчи қуйидаги истиқболли технологиялари амалиётда қўлланилади: томчилатиб суғориш;

1. ёмғирлатиб суғориш;
2. тупроқ ичидан суғориш;
3. сизот сувлари сатҳини кўтариб (субирригация) суғориш;
4. ҳавода туман ҳосил қилиб суғориш (дисперс суғориш усули).

Мазкур суғориш усулларининг ҳудуд шароити учун мос келадигани ва самараси юқориси уларни ўзаро таққослаш асосида аниқланади.

Томчилатиб суғориш усулида сув тупроққа махсус қувурлар ҳамда уларга ўрнатилган томизгичлар ёрдамида тўғридан-тўғри экиннинг илдиз қатламига етказиб берилади.

Ушбу усул кўпроқ кўп йиллик экинларни (боғ ва узумзорлар) суғоришда яхши самара беради. ОҚ-СУВ ирригация тизимлари бошқармаси ҳудудида асосан пахта ва галла етиштирилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳудудда бу усулни жорий қилиш анча қийин кечади.

Ёмғирлатиб суғориш усулида сув махсус механизмлар ёрдамида экин майдонига ёмғир шаклида пуркалади ва тупроққа шимилади. ОҚ-СУВ ирригация тизимлари бошқармаси ҳудудида асосан пахта ва галла етиштирилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳудудда бу усулни жорий қилиш анча қийин кечади. Ёмгирлатиб сугориш усули буғдой етиштириш учун тўғри келсада, ғўзани суғоришда иссиқ иқлим туфайли унинг баргларини куйдириб қўйиш ҳоллари учрайди. Кўп капитал ҳаражат талаб қилиши ва асосий етиштириладиган экин учун тўғри келмаслиги боис ёмғирлатиб суғориш усулини ҳудуд суғориладиган майдонларида қўллаш яхши самара бермайди.

Тупроқ ичидан суғориш усулида сув тупроқ ичига ўрнатилган қувурлар орқали тупроқнинг ҳосилдор қатламига етказиб берилади. Ҳосилдор қатламнинг намланиши асосан тупроқнинг сўриш кучи ҳисобига

содир бўлади. Бу усулни шўр босган тупроқларда тадбиқ қилиб бўлмайди. Демак ОҚ-СУВ ИТБ ҳудудида ушбу усулни қўллаб бўлмайди.

Сизот сувлари сатҳини кўтариб (субирригация) суғориш усулида сизот сувларининг сатҳи сунъий равишда (захкаш ва зовур тармоқларини ёпиб қўйиш билан) кўтарилади, тупроқнинг сўриш кучи ҳисобига ҳосилдор қатлам намланади. Иккиламчи шурланишни жадаллаштириши мумкинлиги учун бу усулни ер ости сувлари шўрланган худудларда қўллаб бўлмайди. Жумладан ОҚ-СУВ ИТБ ҳудудида ҳам ушбу усулни қўллаш яхши самара бермайди.

Ҳаводa туман ҳосил қилиб суғориш усулида эса сув махсус насослар ёрдамида қувурлар орқали босим билан экин майдонига туман ҳолатида парчалаб берилади. Бу усул асосан ернинг микроиқлимини яхшилаш мақсадида ишлатилади, лекин у жуда катта миқдорда капитал қуйилмаларни талаб қилади ва худудда ёзнинг жуда иссиқ бўлиши уни ҳудудда қўллашга имкон бермайди.

Шундай қилиб, ҳудудда суғоришнинг сув тежовчи истиқболли технологияларини жорий қилиш асосида сув ресурсларидан фойдаланишни оқиллаштириш мумкин, лекин ушбу сув тежовчи истиқболли технологиялар у ёки бу жиҳатлари билан ҳудуд шароитларига мос келмайди. Шунинг учун суғориш ушбу технологияларини жорий қилиш яхши самара бермайди.

## 5.3 Оқ-сув ИТБсида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш таклифлари

ОҚ-СУВ ИТБ ҳудудида сув ресурсларининг энг кўп қисми қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун сарфланаётганлиги боис манбадаги сув ресурсларини камайиб кетишдан сақлаш учун аввало экинларни суғоришда сувдан тежамли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалик майдонларини суғориш ишлари белгиланган муддат ва меъёрларга риоя қилинган ҳолда олиб борилиши лозим.

Суғориш тизимлари орқали далаларга берилаётган сув миқдорининг фақат 45-50 % игина ўсимликка сарф бўлишини эътибордан қочирмаган тарзда, иложи борича ўсимликнинг биологик эҳтиёжи учун керак бўладиган сувни беришга ҳаракат қилинмоғи лозим. Бунда даладаги тупроқ хусусиятларини, яъни унинг намлик сиғими ва суғоришдан олдинги намлик даражасини яхши билиш лозим. Одатда суғоришга берилаётган сувнинг кўп қисми канал ва ариқлардан ерга сингиб кетади. Ушбу исрофгарчиликни камайтириш учун лоток ариқлар ўрнатилган ҳудудларда лоток тизимларини бузилишига, лотокларни беҳудага тешиб сув олинишига ва лотокларнинг уланган жойларидан сувни оқиб кетишига йўл қўймаслик чоралари кўрилиши лозим.

Шу билан бир қаторда суғоришда сувни тежаш учун ўқ ариқлар орасидаги масофа, эгатларнинг узунлиги ва эгатдаги сувнинг сарфига ҳам алоҳида эътибор қаратилади ва суғоришнинг мукаммал ва сув тежовчи техникаси ва технологиясини қўллаш.

Бу иш экин экишга далани тайёлашдан бошланиши лозим. Дала яхшилаб текисланган бўлса, сувни ҳалқобланиб қолиб беҳудага ерга сингиб кетишидан, ерларни ботқоқланишдан асрабгина қолмай, балки суғориш усулини юқори самарадорлигини ҳам таъминлайди.

Суғориш меъёрини тўғри белгилаш, суғориш сувини тупроққа беҳудага сингиб кетишига йўл қўймаслик ва яхши дренаж тизими ер ости сувлари сатҳини 1,5-2,0 м дан паст чуқурликда ушлаб туриш Эгат узунлигини дала нишаблиги ва тупроқнинг сув шимиш хусусиятига қараб тўғри танлаш лозим. Суғоришнинг калта эгатли, томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа усуллари сувни тежашда кўп самара беради.

Суғоришда сувнинг самарадорлигини ошириш ва эгатнинг бутун узунлиги бўйича тупроқнинг бир текис намланиши учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади.

1) **Эгатга аввал кўп сув бериб, оқава чиққач сувни камайтириш**

Бу усул қўлланилганда оқовага ташланадиган сувлар миқдорини 15-20 % гача камайтиришга имконият яратади.

**2) Эгатларни оралатиб суғориш**

Бу усул тупроқдан сув буғланишини камайиши ҳисобига умумий сув бериш миқдорини 20-25 % гача камайтиради.

**3) Калта эгатлар билан суғориш**

Калта эгатлар билан суғорилганда оқова сувлар миқдори 15-20 % га камаяди, эгатлар бутун узунлиги бўйича бир текис намланишига эришилади.

**4) Эгат охирини тўсиб сувни орқага оқизиш**

Нишаблиги кичик бўлган суғориладиган ерларда оқова сувни чиқармаслик учун эгат охирини тўсиб, тўсилган сувни тескари оқизиб, эгатлар охирини намлаш ёрдамида умумий сув бериш ҳажмини 15-20 % га камайтириш мумкин.

**5) Сувни эгатга ўзгарувчан оқимда бериш**

Сувни эгатга ўзгарувчан оқимда юбориш орқали суғоришда экин майдонида ҳосил бўладиган оқова сувлар камайиши ҳисобига далага берилаётган сув 15-20 % га камаяди.

Шундай қилиб, сув тежовчи истиқболли технологияларнинг у ёки бу жиҳатлари ОҚ-СУВ ирригация тизимлари бошқармаси ҳудуди шароитларига мос келмаслиги оқибатида уларни жорий қилишнинг самараси паст бўлади. Шунинг учун ҳудудда сув ресурсларидан фойдаланишни оқиллаштириш йўналишида суғоришнинг сув тежовчи истиқболли технологияларини жорий қилиш эмас, балки суғоришнинг амалда қўлланилаётган усулларини, яъни эгатлаб суғориш усулини такомиллаштириш яхшироқ самараларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, ОҚ-СУВ ирригация тизимлари бошқармаси ҳудудида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга суғоришнинг амалда қўлланилаётган усулларини, яъни эгатлаб суғориш усулини

# VI-боб. ОКСУ ИРИГАТСИЯ ТИЗИМИ БОШКАРИШДА ХАЕТ ФАОЛЯТИ ХАФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

## 6.1 Хафсизликнинг назарий асослари

Мехнат мухофазаси инсоннинг ишлаб чикаришдаги шароитлари ва хавфсизликлари билан кизикади, фукаро мудофаси эса унинг фавкулотда холатларини урганади. ХФХ эса кишилик жамиятининг хамма холатларидаги шароитлари ва хавфсизликлари билан кизикади ва урганади. Бошкача килиб айтганда ХФХ мехнат мухофазаси ва фукаро мудофасига караганда кенг ва универсалдир яъни улар аник вазиятларда хавфсизликни таъминлашнинг кисман холатларини урганади.

Билим сохасида мехнат мухофазасини нисбатан мустакил деб тан олган холда, фаолиятнинг хар хил турлари ва инсон яшайдиган сохаларининг бир-бирига якин алокада булишга эътибор бериш керак.

Мехнат мухофазасининг афзалликлари ва уни мутлоклаштириш баъзан мантика мос келмайдиган конунларни кабул килишга олиб келади. Масалан, маълумки битта транспорт талофатида жабирланган хайдовчи ва йуловчилар учун белгиланган бачтсиз ходисаларни текщириш низоми буйича хар хил хукукий ва моддий окибатлар пайдо булади

Таркибий жихатдан ХФХ фани турт кисимдан ташкил топган;

1.Назарий асослар.

2.Тиббий жихатлари

3.Ишлаб чикаришда мехнат хавфсизлиги

4.Фавкулотда вазиятлар

Фаолият кишилик жамиятининг бор болиб туриши учун зарур булган шароитидир. Мехнат фаолиятининг олий шаклидир.

Файласуфларнинг фикрича, инсонга берилган энг маъкул булган таъриф бу Ното adens, яъни харакатланувчи инсон.

Фаолият ва мехнатнинг шакллари хилма-хилдир. Улар турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чикаришда, илмда ва бошка хаёт сохаларида кечадиган амалий аклий ва маънавий жараёнларни уз ичига олади.

Фаолият жараёнининг моделини умумий холда икта элементдан ташкил топган деб караш мумкин яъни бир бири билин тугри ва кайтма алокада буладиган инсон ва мухит элементларидир.

Кайтма алокалар моддий дунёнинг ташки таъсирига жавоб бера оладиган умумий конунларига асосланган. «Инсон-мухит» тизими икки махсатлидир. Биринчи максад маълум самарадорликка эришишдан ташкил топса, иккинчиси кунгилсиз окибатларни бартараф килишдан иборатдир.

**Хавф** – хаёт-фаолият хавфсизлигининг марказий тушунчаси булиб, у ходиса, жараён ва объектларнингинсон соглигига тугридан тугри ёки бевосита маълум шароитда кай даражада зарар етказиш кобилиятини курсатади, яъни кунгилсиз окибатларни олиб келади.

Тахлилнинг максадига кура хатни характерловчи белгилар сони купайиши ёки камайиши мумкин. ХФХ даги хавфга берилган юкоридаги таьриф мавжуд булган стандарт тушунчаларни хавфли ва зарарли ишлаб чикариш омиллари узига тортувчи, хамда фаолиятнинг хамма турларини хисобга олувчи жуда салмокли тущунчадир.

**Хавф** энергияга эга булган кимёвий ёки биологик фоал ташкил килувчиларни узида мужасамлаштирилган хамма тизимларни, хамда инсон хаёти, фаолияти шароитига жавоб бермайдиган тавсифларни узида саклайди.

**Хавфсизлик** – бу фаолиятнинг холати булиб маълум ехтимолликда хавфларнинг келиб чикишини бартараф килишдир.

Хавфсизлик – бу инсонлар олдига куйилган максатдир. ХФХ эса максадга эришишнинг восита, йул ва усулларидир.

## 6.2 ОКСУ ИРИГАТСИЯ ТИЗИМИНИ БОШКАРИШДА МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ

ГОСТ 12.1.007.76 га асосан зарарли модаларнинг арганизмга таъсир килиш даражасига караб 4 та хавфли синфга булинади :

1) ута хавфли моддалар.
2) юкори хавфли моддалар.
3) уртача хавфли моддалар.
4) кам хавфли моддалар.

Ишчи ва хизматчилар мехнат вазифаларини бажариш пайтида уларнинг соглигига зиён келтирилса ёки майиб болиб колса, моддий жавобгарлик тулик корхона зиммасига юкланади. Иш билан таъминловчилар томонидан ишчиларни мехнат вазифаларидан фойдаланишда уларни шикасланиши, касбий касалланиш ёки саломатлигига бошка келтирилган зиённи коплаш Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 1 февралда тасдикланган ( 48 – сонли ) «Коидалари»га асосан амалга оширилади.

Республика Кишлок ва сув хужалиги вазирлиги кошида мехнат мухофазаси ва техника хавфсизлиги гурухи иш олиб боради. Туманларда кишлок хужалиги бошкармаларида – мухат ьухофазасига ва гехник хавфсизлига катта мухандислар, давлат корхоналари ва жамоа хужаликларига технила хавфсизликларига ката мухандислар жаиоб берадилар. Узбекистон Республикаси мехнат мухофазаси конунига асосан давлат корхоналари ва жамоа хужвликларида штат руйхати буйича техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги буйича катта мухандиси тайинланади.

Санитария назорати – Республикамиз давлат саритария разорати ишлаб чикаришда касаликларни каьайтириш, ташки мухитни ( сув хавзалари, тупрок ва атмосфера хавоси ) ифлосланишнинг олдини олишга, мехнат шароитини согломлаштиришга йуналтирилган санитария гигиена, санитария – эпидимиалогик чора тадбирларни олдини олишга каратилган чора тадбирларнинг утказилишини назорат килада, шунингдек

касалликларни олдини олишга каратилган чора тадбирларни утказилишини текшириб туради.

Кишлок хожалигида мехнатни мухофаза килиш Узбекистон Республикасининг Мехнатни мухофаза килиш тугрисидаги Конуни буйича ва амалдаги укув меёрий хужжатлар асосида олиб борилади. Ишчи ва мухандислар таёрланганда укитилади, йул йуриклар берилади ва малака оширилади.

## 6.3 Фукоро мухофазаси

Зилзила тшкин сел табиятда содир боладигин энг хавфли ходисаларнинг биридир.

ЮНЕСКО малумотига кура зилзила юзага келадиган иктисодий зарар ва инсонлар халокати буйича таьбий офатларнинг тчида биринчи уринни эгалайди. Хакикатдан зилзиланинг содир булиш даврилиги бир неча ун йилларни қамраб олсада ( айрим вактларда 100 йилларни ) у содир булганда қиска ( 10 – 15 сек ) муддат ичида бир неча минглаб ахолига эга булган шахарларни вайрон қилиш қудратига эга, шунга қарамасдан кишилар бундай хавф олдида эсанкираб қолмасдан унинг оқибатларини бартараф қилишга шикастланганларга ёрдам беришга ошиқадилар.

Халқ тилида (ут балоси, сув балоси, бемахал фалокат кулфатдан асрасин) деган чукур фалсафий маънога эга булган мулохаза мавжуд. Бу албатта яхши ният яхши истак, лекин қурук ният билан иш битмайди, фалокат аримайди. Шунга яраша харакат ва таёргарлик булиши зарур.

Турар жой масканлари, тиббий шароити, жисмларнинг физик – кимёвий хусусияти, биноларнинг лойиха чизмалари қатий хисоб китоблар асосида чуқур урганилиб чиқилгандан сунг қурилишга рухсат берилади.

Тошқин – дарёлар, сойлар, кулларда сув сатхининг кескин кутарилиши оқибатида юзага келиб ер юзасининг катта майдонларини вактинча сув босишидир. Тошқинлар куп холатларда кучли жала, харорат кутарилиши билан қор ва музликларнинг кескин эриши натижасида

хавзалардаги сув микдорининг купайишидан пайдо булади. Бундан ташқари сув хавзалари атрофидаги ён бағрларида кучки содир булиши, қоялардан тоғ жисимлари упирилиши билан хавзадаги сув тошиб чиқиши ва туғонларнинг бехосдан ёрилиб кетиши оқибатида хам содир булиши мумкин. Одатда бундай тошқинлар жуда хавфли булади.

Тошқин –табий офатлар ичида катта талофат келтирадиган, ахолини оғир тахликага соладиган ва қиска вакт ичида шиддатли буладигани сув тошқинидир.

Тошқинларнинг яна бир тури шамолнинг катта тезлиги билан боғлик булиб, денгиз сувини қирғоқга маълум балантликда бостириб келишидан пайдо булади. Лекин, тошқиннинг бу тури мамлакатимиз худудида учрамайди.

Ватанимизнинг таъбий тузилиши, гидрометерологик шароити, мухандис-гедрогеологик иншоатлари бошка таъбий офатлар каби тошқин булиб туриши ва унинг хафи юкорилигидан далолат беради. Айникса бу ходиса сув тармоклари атрофида жуда куп тарқалган.

Тошқинлорнинг хосил булиши,гарчан бир хил сабабдан булсада,яъни об-хаво шароитининг кескин узгариши натежасида меъёридан куп ёгингарчилик булиши,ахолии яшаш жойлари ва худудларга турли таъсир курсатади. Булар ичида энг кучлиси халокатли тошқинлар хисобланиб, улар узоқ муддат ёққан ёмғир натижасида юзага келади.

Аввало тошқин хавфи бор жойларда хар кандай қурилиш иншоотлари барпо этишга чек қуйиш керак.

## 6.4 Ёнғин хавфсизлиги

Хужаликда ёнгинга куйдагилар –иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларининг бузилиши, ишлаб чикаришда ёки уйда аловни эхтиётсизлик билан ишлатиш, керасенда ишлайдиган ёритиш ёки қиздириш аспобларини нотуғри урнатиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, яшин статик ёки электор разрядлар машиналар ва

ишлаб чиқариш жихозларининг носозлиги хамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик (қурилмаларидаги қисқа туташувлар ёки уларнинг ерга уланиб қолиши электр симларида нагрусканинг йул куйилмайдиган даражада ортиб кетиши, кантаклари ёмон булган жойларнинг қизиб кетиши ва улардан учқун чиқиши,буғ қозонларини портлаши ) қишлок хужалиги махсулотларининг ёки ёнилғини уз узидан ёниб кетиши сабаб булади.

Ёнғиннинг олдини олиш тадбирлари – ташкилий (кунгилли ут учирувчи дружиналари ёки ёнғиндан мухофазалаш дружиналари тузиш аммо орасида тушунтириш ишлари олиб бориш), ёнғин ёки портлаш жихатидан хафли хоналарга алохида конструкцияли электр жихозлар урнатиш, насос печлар, машиналар, электр жихозлардан, шунингдек, осон алангаланадиган суюкликлар сакланадиган ёки ишлатиладиган жойларда оловдан фодаланишни тақиқлаб қуйиш, яшин кутаргичларни куриш (обьектларни утга чидамли матириаллардан қуриш, бинолар орасидаги ёнгинга қарши ораликларга риоя қилиш), ёнаётган биноларда одамлар, хайвонлар ва қиммат бохо буюмларни мувоффакиятли равишта кучиришга имкон берадиган чораларни куриш (керакли миқдорда эшиклар, зарур кенгликда каридор юлаклар қуриш, уларни тусиб куйишни ман этиш), ёнғинни учиришни осонлаштирадиган тадбирларни куриш (ёнгинни учириш, нарвонлар, ёнгин кузатиш вишкалари, сув хавзалари ва биноларга келиш йуллари қуриш, ёнгин алоқаси хамда сигнализациясини урнатиш).

Лойхалашда жорий этиладиган асосий тадбирларга қуйдагилар киради.

Бино ва иншоатлар бош плани ёнгинга қарши оралиқларни, жой релъефини асосий шамоллар йуналишини хисобга олиб жойлаштириш;

Бино ва иншоатларни ишлаб чикариш аломати хамда ёнгин жихатидан хавфлилик даражасига кура олохида доираларга бирлаштириш;

Бинони талаб этиладиган утга чидамлигини танлаш;

Эвакувация йулларини хавсиз қилиб планлаштириш;

Ёнгин жихатидан хавфсиз иситиш вентелядция ва электр жихозлари системасини танлаш;

Бош планда ёнғинга қарши ораliқлар асосий шамоллар йуналишини хисобга олган холда бинолар шунингдек ер ости ва ер усти иншоатлари курсатилади. Бино хамда иншоатлар орасидаги ёнғинга қарши масофалар уларнинг утга чидамлилик даражасига қараб К(П-М.1-71) га мувофик олинади. Хар қайси ишлаб чиқариш биносига ут уччириш авфтомабиллари бир томондан (бинонинг эни 18 м гача булганда) кириладиган йулаклар булишикерак. Курилиш майдони 10 га катта ёки эни 100 м дан кенгмайдонни эгаллайдиган биноларга хамма тамондан машиналар кирадиган йуллар булиши керак. Эркин планлаштирилган территорядан бинолар деворигача (йул четидан бошлаб) қолдириладиган масофа 25 м кам булмаслиги лозим. Ут учириш сув хавзаларига гидрантларига 12-12 м майдонли ёки сиртмоксимон айланиб юриладиган охири берк кучалар қуришга йул қуйилмайди. Турар жой туманлари орасида ёнғинга қарши 100 м масофа қолдирилади, кам каватли қурилишлари хамда иншоотлари булган шахарларни қайта қуришда бу масофа 75 м гача қайта курилиши мумкин .

## 6.5 Биринчи тиббий ёрдам

Жарохатланишларда биринчи ёрдам курсатаётган одам қулларини совун билан тозалаб ювиши агар бирор сабаб билан бунинг иложиси булмаса бармокларига йод настойкаси суриб олиши керак . Яраланган ерга хатто ювилган қуллар билан тегиш ярани сув ёки дорилар билан ювиш, ярага врач курсатгандан бошка парашок сепиш мумкин эмас акс холда ярага инфикция тушириш мумкин. Ярадан қон қуйкаларини кеткизиш ярамайди, чунки бунда қучли қон кетиши мумкин. қон кетишини тухтатиш учун яраланган оёк қулни юқорига кутариш ярани юмолоқланган ва зарарсизлантирилган боғлаш материали билан беркитиш хамда яранинг узига бармоқлар билан тегмасдан устидан 4 – 5 даиқа босиб туриш керак.

Агар қон кетиши тухтаса, у холда боғлаш материалини олмасдан туриб, унинг устига пахта ёки бошка пакетдан олиб яна битта ёстиқча куйиш ва бир оз босиб туриб сунг бинтлаш зарур.

Синишлар ва чиқишларда курсатилган биринчи ёрдамнинг асосий вазифаси – шикасланган бугинларни ёки оёқ қулни қузғалмайдиган қилиб ва шикастланган киши учун энг қулай вазиятда махкамлаб қуйишдир. Чиқан жойни солиш учун фақат мидитцина ходимига рухсат берилади.

Бош шикастланиб, киши бехушланиб қолса қулоқлар ёки оғиздан қон кетса, бош суяги чаноқлари синган деб тахмин килиш мумкин. Пайлар чузилганда, масалан одам қийшик қадам босиб оёғи қайрилиб кетганида (белгилари буғинлар қаттик оғрийди ва шишиб кетади) курсатиладиган биринчи ёрдам совук – қилиш, махкам тортиб боғлаш, тинч сақлашдир.

Қутирган хайвонларни тишлаши улим даражасида хавфлидир. Тишланган участкага вирус хайвонинг сулаги орқали утиб, бош ва орқа мия хужайраларини шикастлантиради. Индукцион оралик 12 - 60 кун давом этади. Биринчи ёрдам курсатаётган окоётган қонни тез тухтатишга харакат қилмаслик керак, негаки хайвоннинг сулаги қон оркали ярадан чиқиб кетади. Тишланган жой териси атрофига кенг килиб бир неча марта дизенфекцияловчи аралашма ( йод – спиртли аралашма, вино – спирти билан, калий перманганат аралашмаси) ёрдамида ишлов берилиб сунг зарарсизлантирилган боғични боғлаб куйилади.

Илон чақиши инсон хаётида жуда хавфли, чаққандан сунг жойида оғрик, қизариш ва қон оқиши, оғизда қуриш пайдо булади, чақиш, уйқу тортиш, кунгил айниш, томир тортишиш, суз бузилиши, ютиниш, айрим вақтларда қузгалувчи қисмларнинг фалажланиши вужудга келади. Чаққан вақтнинг биринчи иккинчи дақиқаси ичида, чаққан жойиннг юқори қисмидан қон тухтатиладиган жгут (тасма), бурамалар қуйилади, сунгра чаққан жойдаги тери қон чиқунча кесилади ва шу жойда суриб ташлаш учун банка қуйилади. Кейинги ярага калий перманганат ёки натрий гидро

карбанат аралашалари ёрдамида ишлов берилиб, боғлагич билан боғлаб куйилади.

Оғрик ва шишни камайтириш учун терига гидрокардизонт суртма сурилади. Куп чақишлардан сунг биринчи ёрдам курсатилиб жабирланувчини даволаш пунктига элтиш лозим.

Қишлок хужалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш омилларидан бири уни электирлаштиришдир. У мехнатни енгиллаштириш билин бирга бир катор одамлар хаётига ва соғлигига жуда катта хавф туғдиради. Бощқа хавфли манбаьлардан электр тукини асбобларсиз малум масофада турмасдан аниқлаб булмайди.

Электр тукидан хар хил шароитлари; сим ёки тук утказувчи очик қисмларга тегиб кетишдан химояланганлиги бузилган булса, ёй оркали электр токини тасир қилиши, ускуналарнинг металл қисмларига тегиб кетишдан, тасодифан қучланиш остига тушиб қолиш, электр узатувчи қисмларга катта улчамли машиналар (автомабиллар, дон уриш ва пахта териш машиналари) рухсат этилмаган даражада якинлашуви ва бошкаларда жарохатланиш мумкин.

Электрхавфсизлик (ГОСТ 12.1.009-76) – ташкилий ва техник чора тадбирлар тизими ва воситаларидир, улар одамларни электр майдонидан ва статик (турғун) электр токини зарарли ва хавфли тасиридан химояланишини таминлайди.

Электр туки одам арганизимига ва хайвонларга жуда узига хос мураккаб шаклда вужудга келади. Арганизмдан электр токнинг утиши натижасида кимёвий исиқлик ва биологик таьсир курсатади.

Агар ток урган киши симлардан бирини чангаклаб ушлаб қолган булса, у орқали утаётган токни узиш зарур, бунинг учун уни симдан эмас, балки ерга туташган кисимлардан ажратиш керак, бу мақсатда унинг тагига қуруқ тахта тиқиш ёки қуруқ арқон ёрдамида оёқларини тортиб йердан узиш лозим, ток урган кишининг шимидан ушлаб тортмаслик керак, чунки у хул булиши мумкин. Агар ток киши тегиб турган сим ерда

ётган булса ёки ерга туташган метал нарсаларга тегиб турган булса, симга ёки ерга туташган жойга диэлектрик калишсиз ёки этиксиз яқинлашиш айникса нам оёк кийимда ва катта катта қадамлар ташлаб яқинлашиш хавфли. Ток урган кишини токдан озот қилиш учун бунда қуруқ таёқ ёки тахтадан фойдаланиш керак тахтани еса уз кийимига ураб ушлаши лозим.

Агар ток урган киши мутлақо нафас олмаётган булса ёки бехуш ётган холда ора чорада титраб энтикиб нафас олаётган булиб, аммо томир уриши сезилиб турган булса дар холл врачга мурожат килиш, врач келганига қадар эса суний нафас олдириш керак. Ундан олдин тезда нафас олишни қийинлаштирувчи кийимларининг тугма боғичларини бушатиб қуйиш лозим. Қишлоқ хужалигида одатда узгарувчан электр токидан фойдаланилади. Купгина жихозлар 380 в кучланиш билан ишлайди, ёритиш учун эса 220 ва 127 в кучланишлардан фойдаланилади. Электр хавфсизлиги шартларига кура электр қурилмалар 1000 в-гача ва 1000 в дан юкори кучланишнинг қурилмаларига булинади.

Қишлоқ хужалигида электр токидан жарохатланишнинг олдини олиш учун прафилактик қуйидагилардан иборат;

1) ишлаб турган бутун электр жихозларини истемолчиларнинг электр қурилмаларини ишлаташда риоя қилинадиган ( техник ишлатиш қоидалари) ва (хавфсизлик техникаси қоидалари) талабларига жавоб берадиган холатга келтириш.

2) махалий шароитлардан келиб чиқиб, қурилмалар билан ишлаш хавфсизлигини ошириладиган қушимча тадбирлар қуриш.

3) электр асбобларини, тезда алмашлаб улашларни тамирлаш ишларини пасайтирилган кучланишга утказиш.

4) ишлатилган шахсий химоя воситаларини такомиллаштириш.

5) хавфсиз мехнат усулларини курсатиш орқали одамларнинг уқиш сифатини яхшилаш (техника хавфсизлиги буйича исталган қулланма беришда ишчилар малакасини оширишда ва хар йили техника минимумлари утказишда).

## VII - боб. СУВ ХЎЖАЛИК ВА СУВНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ.

Дарё хавзасида якин келажакда амалга ошириладиган сув хўжалик ва сувни муҳофаза қилиш тадбирлари учун сармоя, эксплуатацион сарфлар ва олинадиган фойдани хисоби куйидаги жадвал шаклида бажарилади (Жадвал №7.1).

Режалаштирилган сув хўжалик ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларига сармоя сарфлаш-нинг иқтисодий самарадорлигини, иқтисодий самарадорлик коэффициенти (Е) ни ва сармоянинг ўзини оқлаш даври ($t_{ок}$) ни қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$K = \frac{\sum_{i=1}^{n} Ф_i - \sum_{i=1}^{n} Э_i}{\sum_{i=1}^{n} C_i} = \frac{64147195{,}67 - 38323381{,}29}{321491591{,}7} = 0{,}08$$

$$t_{qop} = \frac{\sum_{i=1}^{n} C_i}{\sum_{i=1}^{n} Ф_i - \sum_{i=1}^{n} Э_i} = \frac{321491591{,}7}{64147195{,}67 - 38323381{,}29} = 12{,}45 \text{ йил}$$

бу ерда: ΣФ - олинадиган фойдалар йиғиндиси, сўм

ΣЭ - эксплуатация харажатлари йиғиндиси, сўм

ΣС- сармоя (капитал маблағ) сарфининг йиғиндиси, сўм.

Сармоя сарфининг йиғиндиси бутун объект учун аниқланади ва у коммунал хўжалигини сув билан таъминлаш ва сувларни чиқариш, тозалаш, қайта фойдаланиш, саноатда, қишлоқ хўжали-гида (чорвачилика суғориш деҳқончилигида), энергетикада, балиқчилик хўжалигида, соғлиқни сақлашда, сув ресурсларини муҳофаза қилиш тадбирлари учун сарфланадиган сармоядан ташкил топади.

| СХМК учун тадбирлар гурухи | Хажми | | Сармоя | | Эксплуатацион сарф | | Фойда | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Улчов бирлиги | Умумий | Тадбир учун сум | Хаммаси | Сармоя нисбатан % | Умумий сарфлар сум | | Фойда сум |
| **А. Сув билан таъминлаш** | | | | | | | | |
| 1. КРХ. | | | | | | | | |
| А. Шахар | м3/сут | 206704,6 | 442 | 91363422,15 | 15 | 13704513,32 | 150 | 20556769,98 |
| Б. Кишлок | м3/сут | 84247,8 | 32 | 2695928,76 | 15 | 404389,31 | 150 | 606583,97 |
| 2. Саноат | | | | | | | | |
| Ун тайёрлаш | м3 | 221029,2 | 1,92 | 424376,064 | 12 | 50925,13 | 150 | 76387,69 |
| Омихта ем концентратини тайёрлаш | м3 | 1290480,0 | 1,35 | 1742148 | 12 | 209057,76 | 150 | 313586,64 |
| Арок - вино заводи | м3 | 235656,0 | 1,92 | 452459,52 | 12 | 54295,14 | 150 | 81442,71 |
| Усимлик ёгини тайёрлаш | м3 | 41952,0 | 1,92 | 80547,84 | 12 | 9665,74 | 150 | 14498,61 |
| Ип йигириш ва мато тукиш | м3 | 205388,6 | 1,92 | 394346,1888 | 12 | 47321,54 | 150 | 70982,31 |
| Трикотаж махсулоти фабрикаси | м3 | 203090,4 | 1,35 | 274172,04 | 12 | 32900,64 | 150 | 49350,97 |
| Пахта тозалаш заводи | м3 | 350760,0 | 1,92 | 673459,2 | 12 | 80815,10 | 150 | 121222,66 |
| Мева-сабзовот консерва заводи | м3 | 359352,0 | 1,35 | 485125,2 | 12 | 58215,02 | 150 | 87322,54 |
| Гишт заводи | м3 | 101736,0 | 1,35 | 137343,6 | 12 | 16481,23 | 150 | 24721,85 |
| 3. Чорвачилик | | | | | | | | |
| а. ЙШК | м3/сут | 1725,0 | 770 | 1328250 | 4 | 53130 | 150 | 79695 |
| б. Парранда | м3/сут | 4025,0 | 170 | 684250 | 4 | 27370 | 150 | 41055 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| в. Куйлар | га | 201250,0 | 9 | 1811250 | 4 | 72450 | 150 | 108675 |
| 4. Сугорма дехкончилик | | | | | | | | |
| а. Ерларни капитал кайта ишлаш | 25 | 15851,4 | 2160 | 34238943 | 4 | 1369557,72 | 400 | 5478230,88 |
| б. Ерларни мелиоратив холатини яхшилаш | 50 | 31702,7 | 1150 | 36458133,75 | 3 | 1093744,013 | 400 | 4374976,05 |
| в.Ерларни капитал текислаш | 25 | 15851,4 | 400 | 6340545 | 2 | 126810,9 | 400 | 507243,6 |
| 5. Санитар сув утказиш | м3 | 3528000,0 | 0,08 | 282240 | 1 | 2822,4 | 300 | 8467,2 |
| **Б.Мухофаза килиш** | | | | | | | | |
| 6. КРХ | | | | | | | | |
| А. Шахар | м3/сут | 186034,1 | 644 | 119805971,7 | 15 | 17970895,75 | 150 | 26956343,63 |
| Б. Кишлок | м3/сут | 72212,4 | 260 | 18775218,15 | 15 | 2816282,723 | 150 | 4224424,084 |
| 7. Сув дренаж коллекторлари | 100 | 63405,5 | 48 | 3043461,6 | 4 | 121738,464 | 300 | 365215,392 |
| **Жами** | | | | **321491591,7** | | **38323381,92** | | **64147195,76** |

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Президентининг 2004 - 2006 йилларда фермер хужаликларини ривожлантириш концепсияси.

2. 2003 йил 24 мартдаги ва 2003йил 28 чи октябрьдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Фармонлари.

3. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси таъсис этишнинг ва хуқуқий масалаларига оид қўлланма., Тошкент - 2000 й. 6 – 10 б.

4. Мирзаев С.Ш., Валиев Х.И. Конспект лекций по дисциплине Экология. Раздел: Экологическое обоснование ведения сельского и водного хозяйства. ТИИМ, Ташкент – 2000

5. Электронные учебники по работе с SPSS. http://www.learnspss.ru /handbooks.htm

6. Авакян А.Б. Широков В.М. Комплексное использование и охрана водных ресурсов. – М.: 1990. – 243 б.

7. Муродов Ш. Валиев Х.И. ва бошқалар. Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш. – Қ.: 2007.- 237 б.

8. Мирзаев С.Ш.,Валиев Х.И. “Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш фанидан “Дарё ҳавзасини сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш” шаклий лойиҳасини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар – Тошкент.”ТИКХМИИ”. 1993 г

9. O’zDavSt 950-2000 «Ичимлик сув». Гигиенические требования и контроль за качеством – Тошкент. 2000 й.

10.14. “Сув ва сувдан фойдаланиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни – Тошкент 1993 й.

11.18. 2003 йил 21 июлдаги 320- сонли “Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” ги Вазирлар Маҳкамаси қарори.

19.А.Т.Салохиддинов ва бошкалар «Сувдан фойдаланиш асослари» Тошкент, ТИМИ. 2008й -265б

12.Валиев Х.И. «Экология» фанидан маърузалар матни тўплами. Тошкент ТИКХМИИ. 2001 й.

13.www. ziyo.net

14.http://www.referat..ru, www.uznature.uz.